

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

УДК

кўлёзма ҳукукида

Ҳайдаров МУҲАММАД АБДУХАКИМОВИЧ

**Иқтисодий ночор корхоналарнинг бозор фаолиятини
маркетинг стратегияси асосида самарадорлигини
ошириш (Наманган вилояти мисолида) мавзусида**

5A230401-“Маркетинг”(тармоқлар ва соҳалар)

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.д.,проф.А.Солиев

Наманган – 2014 йил

МУНДАРИЖА

Кириш

I боб. Корхонанинг иқтисодий инқирози моҳияти ва уни баҳолаш услублари.

1.1. Мамлакатимизда саноат корхоналарининг ривожланиши учун бизнес муҳитини яратилиши

1.2. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлик кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари.

1.3. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.

II боб. Наманган вилоятидаги иқтисодий ночор корхоналар фаолияти таҳлили.

2.1. Вилоятда тўқимачилик ва енгил саноат тизимидаги иқтисодий ночор корхоналарнинг бизнес режалари ва уларнинг бажарилиши маркетинг аудити.

2.2. Вилоятдаги иқтисодий ночор корхоналарнинг маҳсулот ассартименти ва сифати тавсифи.

2.3. Корхоналарни иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари таҳлили ва ночорликка тушиши сабаблари.

III боб. Корхоналарнинг бозор фаолиятини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш.

3.1. Корхоналарни модернизация ва фаолиятини диверсификация қилиш.

3.2. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг хориж тажрибаси.

3.3. Корхоналар товарлари рекламасини ва сотиш усулларини такомиллаштириш.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур”¹лиги бош масалалардан бири этиб белгиланди. **Бизнес муҳити** корхоналарга ўз фойдасини кўпайтиришга қаратилган, ҳамма учун бир хил шарт-шароитлар яратилган эркин фаолиятни таъминлайдиган ҳолатнинг мавжудлиги тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш хажмларини ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили уларга яратилган бизнес муҳити ва шу асосда бозор фаолиятини ташкил этишидадир.

Худудлар ва мамлакат иқтисодиётининг раванқ топиши учун корхоналар рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши, бозорларда ўз харидорлари ва ўрнига эга бўлиши ҳамда фойда олиб даромадини кўпайтириши учун доимо маркетинг стратегияларидан юқори даражада фойдаланиши керак, акс ҳолда бундай корхона фақат иқтисодиётга зарар келтирибгина қолмай, балки аҳолининг турмуш шароитига ҳам ўзининг ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун мамлакатимизда иқтисодиё ночор корхоналарни соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар самарадорлигини янада ошириш ва

¹ И.А.Каримов. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» маърузаси. Манба: <http://uza.uz/oz/politics/30441/>

корхоналарни модернизациялаш ва фаолиятларини диверсификациялашда долзарб бўлган муаммо уларнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва стратегияларни бозор ҳолатидан келиб чиқиб белгилаш ҳисобланади. Корхоналарни маркетинг стратегиялари билан куроллантириш, уларнинг маркетинг фаолиятини ташкил этиш ҳар бир корхона ривожланишига, иқтисодий молиявий барқарорлигини таъминланишига, дунё бозорларига кириб боришига ва экспорт салоҳиятини ортишига - асосий пойдевор - етакчи восита эканлиги мавзунинг долзарблигини тасдиқламоқда.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.

Тадқиқот объекти бўлиб Наманган вилоятида иқтисодий ночор ва банкротлик ҳолатидаги енгил саноат корхоналар танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Наманган вилоятида иқтисодий ночор ва банкротлик ҳолатидаги корхоналарнинг бозор фаолияти таҳлили, уларни банкротлик ҳолатига тушиш жараёнидаги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Наманган вилоятида иқтисодий ночор ва банкротлик ҳолатидаги корхоналарнинг бозор фаолиятларини маркетинг стратегиялари асосида молиявий соғломлаштириш, уларни модернизациялаш ва фаолиятини диверсификациялаш йўналишларини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Қўйилган мақсадни амалга оширилишида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- Бизнес муҳити ва унинг саноат корхоналари ривожланишига таъсир этишини назарий асослаш;
- Корхоналарнинг иқтисодий ночорлик кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усулларини тавсифлаш;
- Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини очиб бериш;

- Иқтисодий ночор корхоналарнинг бизнес режаларини тавсифлаш ва уларни бажарилиши маркетинг аудитини ўтказиш;
- Иқтисодий ночор корхоналарнинг маҳсулот асортименти ва сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш;
- Иқтисодий ночор енгил саноат корхоналарини иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва уларни ночорликка тушиши сабабларини аниқлаш асосида таҳлис қўйиш;
- Иқтисодий ночор корхоналарни модернизация ва фаолиятини диверсификация қилиш йўналишларини белгилаш;
- Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш;
- Корхоналар товарлари рекламасини ва сотиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотда қўйилган асосий масала - Наманган вилоятида фаолият юритаётган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини маркетинг аудитини ўтказиш орқали улар бозор фаолиятларини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

- Саноат корхоналарининг бозор фаолиятларини маркетинг аудити ўтказиш йўли билан баҳолаш;
- Иқтисодий ночор корхоналарнинг бозор фаолиятларини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегияларини танлаш;
- Корхоналарни модернизация қилиш дастурларни асослаш;
- Корхоналар бозор фаолиятини диверсификация қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсифлар тайёрлаш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;

Диссертацияда чет эл олимларидан Ф.Котлер, Портер М., Багутина Е.Г, Телюкина М, Жилинский С. Э., Файнешмидт Е.А., республикаимз олимларидан эса ушбу мавзуда қўрилган назарий масалалар моҳияти билан Гуломов С.С., Иватов И.И., Эргашхўжаева Ш., Бекмуродов А.Ш., Солиев

А, Қосимова М.С., Пардаев М, Шодмонкулов А., Суюнов Д.Х. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров., Ё.Абдуллаев., Э.Х.Махсудов ва бошқаларнинг тадқиқотлари ўрганилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.
Диссертация ишида бозор жараёнларини ўрганишнинг индукция ва дедукция, анализ ва синтез, молиявий таҳлил, статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, маркетинг аудити ва бошқалардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари бўйича ўрганилган назарий тушунчаларнинг таҳлили ҳамда талқини шу билан бирга, ишлаб чиқилган мулохазалар олий таълим муассасаларида маркетинг ва бошқа ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнидаги маъруза ҳамда амалиёт дарсларида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий тавсиялар иқтисодий ночор корхоналарнинг бозор фаолиятларини ривожлантириш бўйича илмий-услубий қўлланма сифатида фойдаланилади.

Диссертацияда берилган тавсиялар амалиётда иқтисодий ночор корхоналарда маркетинг аудитларини ўтказиш, уларни молиявий соғломлаштириш ва бозор фаолиятларини ривожлантириш, рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини оширишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- “Бизнес муҳити” тушунчасининг назарий асослари ва унинг моҳияти очиб берилди;

- Корхоналарни иқтисодий ночорлик кўрсаткичлари ва бозор фаолиятларини баҳолашда “маркетинг аудити”ни ўрни ва аҳамиятининг назарий ва услубий асослари ёритилди;

- Корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ва янада ривожлантириш масалалари кўрилди;

- Корхоналарнинг бизнес режаларини бозор муҳитига доимо мослаштириб бориш жараёнлари таҳлил этилиб тегишли тавсиялар берилди;

- Енгил саноат корхоналарининг иқтисодий ночорлик ҳолатлари сабаблари, маҳсулотларини диверсификациялаш, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш зарурияти асосланди;

- Корхоналарнинг иқтисодий молиявий кўрсаткичлари таҳлили асосида бозор фаолиятларига ташхис қўйилди;

- Наманган вилоятидаги бизнес муҳитини ривожланиши жараёнлари тадқиқ қилиниб, унинг самарадорлиги очиқ берилди;

- Иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш бўйича хориж тажрибаси ўрганилди;

- Муалиф тадқиқот объекти қилиб олинган “Нотўқимачи” ОАЖ фаолияти бўйича тадқиқот натижалари эътиборга олиниб 2014 йилги вилоят енгил саноат корхоналарининг “ЙЎЛ ҲАРИТАСИ” лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланилди (далолатнома);

- Енгил саноат корхоналарининг маҳсулотларини улгуржи, чакана совдосини ривожлантириш ва рекламасини ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди;

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертациянинг таркиби кириш 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. Корхонанинг иқтисодий инқироzi моҳияти ва уни баҳолаш услублари

1.1. Мамлакатимизда саноат корхоналарининг ривожланиши учун бизнес муҳитини яратилиши

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур”¹лиги бош масалалардан бири этиб белгиланди. Бу жараён айниқса саноат корхоналарининг ички ва жаҳон бозорларидаги рақобат муҳитида самарали фаолият юритишларини таъминлашда энг муҳим йўналиш сифатида қаралиши лозим. Шунинг учун, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ислохатларнинг асосий йўналиши ҳам бизнес муҳитини тубдан қайта такомиллаштиришга ва базор иқтисодиётини тўлақонли механизмларини яратилишига йўналтирилган.

Иқтисодиётга оид адабиётларда “бизнес” ва “муҳит” категорияларининг алоҳида мазмун моҳиятини очиб берувчи таърифлар мавжуд. “Бизнес” тушунчасини жуда кўплаб манбаълардаги талқинлари бир бирига жуда яқин, яъни – даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти, тижорат иши ёки “ишбилармонлик”, “тадбиркорлик” дейилган.

¹ И.А.Каримов. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» маърузаси.

Шунингдек, “Бизнес” – фойда олишга йўналтирилган иш, машғулотдир. Ҳалқаро тилдаги “бизнес” атамаси, ўзбек тилида – “тадбиркорлик” тушунчасини билдиради.

“Бизнес-муҳит” иборасининг иккинчи қисми “муҳит” сўзи - (арабчада – ўраб олинган, ихота этилган) ҳаёт, фаолият кечадиган табиий ёки ижтимоий шароитлар мажмуи.¹ Рус тилида эса “муҳит – атрофдаги шарт-шароит, ҳолат, ушбу шароитлар билан ўзаро боғлаган субъектлар йиғиндиси”². Д.Х.Суюнов фикрича “бизнес муҳит” – қонуний даромад олиш мақсадида кўзланган фаолият юритишга имконият берувчи ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар мажмуидир”³. Бизнес-муҳит – бизнес тузилма таъсир доирасида бўлмаган қонуний даромад олиш мақсадлари кўзланган фаолиятни юритишга имконият берувчи ижтимоий – иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар ва муносабатлар мажмуидир⁴.

Кўплаб адабиётларда “бизнес муҳити” тушунчасини “рақобат муҳити” тушунчалари билан фарқли равишда талқин этилади. Бироқ рақобат муҳитининг асл моҳияти тадбиркорлик фаолиятини эркинликларини кафолатловчи ва унга мос муҳит яратиш механизмларини ўзида ифода этади. Шунингдек, **рақобат муҳити** дейилганда бозор субъектлари, айниқса тадбиркорлик субъектларининг бозордаги иштирокини тенг ҳуқуқийлигини таъминланганлиги, иқтисодий эркинликнинг мавжудлиги, уларнинг бозор фаолиятига турли маъмурий давлат идораларининг аралашуви бир томонлама ҳаракатга эга эканлиги ва шунга мувофиқ қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг яратилганлиги ва улар амал қилинаётган ҳолатлар тушунилади.

Бизнинг фикримизча “**Бизнес муҳити**” - дейилганда, бизнеснинг барча турлари билан шуғулланувчи субъектларга ўз фойдасини кўпайтиришга

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-+Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 663-664-б.


² Бағудина Е.Г. Экономический словарь. Проспект, 2004. С-624

³ Суюнов Д.Х.Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография.-Т.:Академия, 2007.- 320-б

⁴ Р.Умаров. Барқарор бизнес-муҳитни таъминловчи иқтисодий тизим. Иқтисодиёт ва таълим. 2012 йил 4-сон, 7-б.

қаратилган ва фаолиятига мос-мувофиқ келадиган шарт-шароитлар яратилган эркин фаолиятни таъминлайдиган ҳолатнинг мавжудлиги тушунилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб фикримизча **“бизнес муҳити”, “тадбиркорлик муҳити”, “ишбилармонлик муҳити” ва “рақобат муҳити”** тушунчаларининг мазмун ва моҳияти бир – бирига яқин ва барчаси мазмунан бир-бирини тўлдиради.

Бизнес муҳити, тадбиркорлик фаолияти ривожланишида асосий роль ўйнайдиган омиллар мажмуидир. Тадбиркорлик субъектлари уларнинг барча фаолият доираларига таъсир кўрсатувчи маълум бир муҳитда фаолият юритадилар. Бизнес муҳити иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, технологик имкониятлар, географик жойлашув, экологик вазият, шунингдек, институционал ва информацион тизимларнинг мавжуд жорий ҳолатлари билан тавсифланади. Шу боисдан, жамиятда тадбиркорлик соҳаси доимий ривожланиб боришини таъминлаш мақсадида, давлат томонидан юқорида келтирилган омилларнинг соҳа ривожига ижобий таъсирини таъминлашга қаратилган чораларни мунтазам амалга ошириб бориш лозим.



1.1.1-расм. Бизнес муҳитини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва институтлар¹

¹ Муаллиф ишланмаси

Бизнес муҳитининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, уни давлатнинг қонунчилик сиёсатини такомиллаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш орқалигина шакллантириш мумкин (1.1.1-расм).

Шу боисдан, мамлакат ва ҳудудлардаги бизнес муҳитини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиб, унинг ташкилий омилларини ўрганган ҳолда тадбиркорлик фаолияти ривожланишига хизмат қилувчи имкониятларини ишлаб чиқиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 27 январ) маърузасида Олий мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жихозлаш, банк – молия тизимини ривожлантиришнинг норматив -ҳуқуқий жаҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигини таъкидлаб ўтилди.¹ Мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларини бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат – бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир», деб таъкидлайди.¹

1 Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда». Т.: Ўзбекистон, 1999, 34-бет.

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади¹.

Бозор тизими жамиятнинг юқори эҳтиёжли товарлар билан таъминланишига ҳам кафолат бермайди. Рақобатнинг кучсизланиб бориши истеъмолчининг эркинлигига ҳам путур етказади.

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини такозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган шароитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айни вақтда рақобат муҳитининг шаклланишини билдиради.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узоқ вақт давомида, ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган.

Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли, рақобат муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва тавсифига қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усуллари қарор топтириш кабиларга қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам бизнес муҳитини яратиш юқоридаги назарий асосларга таянган ҳолда олиб борилмоқда. Ўзбекистондаги рақобат муҳитини шакллантириш ва уни кенгайтириш чора – тадбирлари шундан келиб чиқадики, рақобат муҳити бўлмаса “... самарали инновациялар, паст ҳаражатлар ва нархлар, маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш, бошқача

¹ Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: 2009, бет

айтганда, бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас”¹.

Шунинг учун, Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов **“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборига олган ҳолда, ““Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарурлигини эътироф этган ҳолда, қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим”²лигини белгилаб бердилар.**

Мамлакатимизда рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида бозор иқтисодиётининг барча механизмлари, инфратузилмалари вужудга келтирилган. Бу эса, иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши, турмушимиз фаровонлашуви учун муҳим омиллардан биридир.

Мамлакатимиз мустақиллика эришиш жараёнида эркин иқтисодиётга ўтиши муносабати билан рақобатни тамомила янгидан вужудга келтириш зарурияти келиб чиқди. Чунки, олдинги режали иқтисодиёт буни том манода чеклашга ҳаракат қилган. Корхоналарнинг бозорларда эркин ҳаракати давлат томонидан қаттиқ таъқиқланган. Умуман рақобат муҳитини юзага келишига давлат томонидан чекловлар ўрнатилган. Бироқ рақобатнинг айрим аломатлари мавжуд бўлган. Бунга яширин тадбиркорлик фаолиятлари мисол бўла олади.

Ғарб мамлакатларида бўлгани каби, манаполлашган рақобатдан эркин рақобатга ўтиш масаласи келиб чиқмайди. Ўзбекистонда рақобатни умуман инкор этувчи давлат монополиясидан давлатлашмаган, турли хўжалик шакллариининг мувозанатига асосланган ва эркин рақобатни

¹ И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислох этишдир. Т.; Ўзбекистон, 2005, 76 б.

² И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. www.gov.uz

тақозо этувчи бозор тизимиға ўтиш юз берди. Бу жараёнда энг аввало рақобат қилувчилар яъни бозор субъектлари мавжуд бўлиши керак. Чунки рақобатнинг асосий шарти алохидалашган, ўз манфаатига эга, мулкый маъсулияти бор ва тадбиркорлик хатарини зиммасига олувчи хўжалик субъектларининг мавжудлиги. Бу эса мамлакатимизда бизнес муҳитини яратишга қаратилаётган ислохатларда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикасида **“Рақобат тўғрисида”**ги янги қонун ишлаб чиқилиши ҳам бу борададаги ислохатларнинг янги босқичига ўтишида асосий туртки бўлди. Ушбу Қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Янги қонун рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланишини, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини таъминлаб бериш, бу эса рақобат ривожланишининг ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг энг асосий жиҳати бўлиб хизмат қилмоқда. Қонун бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг кириб келишида ва улар ўртасида соғлом рақобатни таъминлашда асосий воситасидир.

Бизнес муҳитига юқорида келтирилган омил ва воситалардан ташқари уни ташкил этувчи демографик, экологик ва бошқа шу каби омиллар ҳам мавжудки, уларнинг баъзилари тадбиркорлик фаолиятига ижобий ёки салбий таъсирини ўзгартириш давлатнинг ёки жамиятнинг ихтиёридан ташқарида бўлса, баъзилари эса юқоридаги гуруҳлаштиришга асос қилиб олинган мезонларга тўғри келмайди.

Бизнес муҳитини шакллантириш бошқариладиган жараёндир. Лекин бошқариш усуллари маъмурий ёки директив кўринишида бўлиши мумкин эмас. Уларнинг асосий тадбиркорлик фаолияти субъектларига таъсир қиладиган чоралардан эмас, балки, шундай субъектларнинг таркиб топиши йўлида қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиши керак.

Бизнес муҳитининг таркибий қисмини ташкил этувчи омиллар ва уларнинг элементлари¹:

Бизнес муҳитининг омиллари	Омилларнинг таркибий элементлари
Ҳукуматнинг қонунчилик сиёсати	экспорт ва импорт чекловлари; банкротлик тўғрисидаги қонуннинг ҳолати, шартлари, мавжудлиги; давлат рўйхатига кириш тўсиқлари; рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш жараёнларидаги талабномалар; тадбиркорлар томонидан ҳисобот топшириладиган ташкилотлар сони; мулкчилик муносабатларини ва ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳуқуқий норматив базанинг мавжудлиги
Ижтимоий-иқтисодий шароитлар (вазият)	жамиятнинг тадбиркорлик фаолиятига муносабати; малакали тадбиркорларнинг мавжуд бўлиши; ўрнатилган бўладиган тажрибалар; тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган инсонларнинг мавжуд бўлиши; намунали тадбиркорлик фаолиятини қўллаш (тан олиш); кичик фирмаларнинг жами фирмаларга нисбати; турли хилдаги иқтисодий фаолиятлар мавжудлиги; иқтисодий ўсиш даражаси
Тадбиркорлик ва бизнес малака	техник ва касбий таълим; бизнес ва савдо-сотиққа йўналтирилган таълим; тадбиркорликка йўналтирилган таълим дастурлари; маълумотлардан фойдаланиш имконияти; техник ва касбга йўналтирилган таълим дастурла
Молиявий қўмак	венчур капитали; паст фоизли ссудалар; тадбиркорларни молиялаштирувчи ташкилотлар; тадбиркорликни бошлаш учун кредитларни кафолатлаш дастурлари; молиялаштирувчи ташкилотлар ўртасидаги рақобат;
Номолиявий қўмак	консультатив ва қўллаб-қувватлаш хизматлари; тадбиркорлик тармоғи; инкубаторлик хизматлари; тадбиркорликка қаратилган ҳукумат дастурлари; солиқ имтиёзлари ва қўллаб-қувватлашлари; маҳаллий ва халқаро ахборот тизимлари; замонавий транспорт ва коммуникация хизматлари

¹ Муаллиф ишланмаси

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши, юқори даражада шаклланган бизнес муҳитини талаб этади. Ўз навбатида бу уни шакллантирувчи институтларнинг фаол ҳаракатига таянади. Мамлакатимизда бизнес муҳитини шакллантирувчи институтларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин.

1. Халқаро ташкилотлар;
2. Давлат;
3. Нодавлат-нотижорат ташкилотлар;
4. Маҳаллий ҳокимиятлар;
5. Бозор субъектлари (корхоналар);

Бизнес муҳитини шакллантириш ва унинг ривожлантириш борасида халқаро ташкилотларнинг ўрни алоҳида ҳисобаланади. Халқаро бизнес муҳити ва Ўзбекистоннинг унга мослашиш жараёнларини тезлаштириш ва яратилиш механизмлари халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Давлат бизнес муҳитини шакллантириш сиёсатини амалга оширади ва у қуйидаги омилларни ўзида ифода этиши зарур:

- Ҳўқуқий омил – тадбиркорлик фаолиятини юритиш йўлидаги барча қонунлар(солиқ, ер, меҳнат муносабатлар) ва йўриқнамалар мажмуйини шакллантирида ва бозор субъектларининг ўзаро муносабатларини мужассамлаштиради:

- сиёсий омил – давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши ёки аралаштиш кераклигини белгилайди ва шакллариини ўзида мужассамлаштиради;

- иқтисодий-ижтимоий омил – мамлакатда эркин рақобат муносабатларини тартибга солиш, нарх-наво тизимини муқобиллаштириш ҳамда аҳолини тўловга қобилиятлилиқ даражасини таъминлашда иштирок этади;

- Бизнес муҳитини яратишдаги давлатнинг стратегик вазифаларини ва халқаро муносабатларни тартибга солади.

Бизнес муҳитини яратиш борасида ўзгача институционал йўналиш сифатида нодавлат – нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ўсиб боради. Мамлакатимизда 6000 дан зиёд ННТ фаолият юритмоқда ва улар томонидан бизнес муҳитини шакллантириш борасидаги вазифалари кенгаймоқда.

Барча мамлакатларда бўлгани каби Республикамизда ҳам “хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун, янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида”¹ Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг вилоятлардаги худудий бошқармалари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25-август 2011-йилдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1604-сонли Қарорига мувофиқ “УЗТАДБИРКОРЭКСПОРТ” ИТСК ташкил этилди.

2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2022-сонли қарори билан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш **“жамғармаси”** фаолияти йўлга қўйилди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деб таъкидлайди: «Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш керак. Уларнинг хом-ашё

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида” 07.06.2005 й. пф-3617-сон фармони.

ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш даркор»¹.

2008 йилдан буён давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодиётнинг саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб масалага айланди. Республикамизда ушбу жараён қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди (2-расм).

Саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.



2-расм. Саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш –замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999й. 12-бет.

бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш. Бугунги кунда, республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтормоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрельда “Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва унинг мақсади қуйидагилар этиб белгиланди:

- мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштиришни давом эттириш;
- эркин бозор иқтисодиёти йўлидан боришни янада жадаллаштириш;
- қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш;
- вилоятимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикасини тизимли таҳлил қилиш;
- ишбилармонлик муҳити даражасини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқиш.

1.2. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлик кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг эркин фаолият юритиши қонунлар асосида кафолатланган. Аммо бозордаги кескин рақобат муҳити шароитида корхона ўзининг бизнес режасини тўғри асослай олмаганлиги сабабли иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолади.

Барча корхоналар ҳам бозордаги рақобатни енгиб, самарали ишлаб кетишлари учун бизнес режадаги кўзланган фойдага эришиши талаб этилади. Лекин бозорда конъюктура ўзгаришлари натижасида минглаб корхоналар рақобатга бардош беролмасдан фаолиятни тўхтатади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг тугатилиши бозор иқтисодиёти шароитларида оддий ҳол бўлиб, бу аҳволга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак бўлсада, лекин бундан фожея ҳам ясамаслик лозим. Халқ орасида “Камбағал ва касал бўлгандан кўра бой ва соғлом бўлган афзал” деган гап бор. Шу гапга амал қиладиган бўлсак, яхшиси корхонани банкрот бўлишига олиб келмаслик, унинг иқтисодий мустақиллиги, меҳнат қобилияти ва даромадлилигини таъминлаш учун зарур чоралар қўллаш зарур. Бундай чоралар эса корхоналар бозор фаолиятини замонавий маркетинг тамойиллари асосида бошқаришдан иборат. Бироқ ҳамма нарса фақат корхонанинг ўзига боғлиқ эмас. Чунки, ҳар бир корхонага фаолиятига таъсир этувчи маркетинг муҳити мавжуд. Корхона бозор фаолиятини амалга ошириш жараёнида хом-ашё, технологиялар, ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ёки маҳсулотларини истеъмолчи сари ҳаракати, айниқса, корхона раҳбарлари томонидан бошқарилиб бўлмайдиган омиллар таъсири мавжуд. Бундай муносабатларда ҳар бир камчилик ва нуқсонлар, жумладан, хом-ашё таъминоти, унинг ўз вақтида етказиб келинмаслиги ёки ажратилмаслиги, тўловларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, мажбуриятларнинг бузилиши ва бошқа омиллар, унинг ночорлигига олиб келиши мумкин. Юқоридаги омиллар сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва юқори рентабелли даражада амалга

ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чиқаришни керакли тарзда ташкил қилиш ҳамда ўз ҳамкорлари, давлат органлари ва истеъмолчилар талабларини қатий тарзда бажариш интизоми билан боғлиқдир.

Давлат томонидан корхоналарни банкротлик ҳолатларига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилади ва бажарилади. Бироқ, корхоналарнинг банкротлик ҳолатини келиб чиқишининг асл моҳияти, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг маркетинг фаолиятини самарали ташкил эта олмаганлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, “банкротлик”, “иқтисодий ночорлик” тушунчасини кенгроқ ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “банкротлик” тушунчаси қуйидагича изохланган **“Банкротлик**, (италианча—синган курси), с и н и ш — фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағи етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги; қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шунингдек, бюджетга ва бозор фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади”¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига кўра: **“Банкротлик (иқтисодий ночорлик) - хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги”²дир.**

Иқтисодий адабиётларда эса банкротлик тушунчасига қарашлар турли-туманлигини кўришимиз мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси. Б Харфи 8 том. 222 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 11-сон, 80-модда.

Г.Ф. Шершеневич фикрича, банкротлик бу қарздорнинг кредиторга зарар етказадиган ва шундай мақсаддаги ночорлигидир.¹ Бундай тушуниш банкротликнинг бозор тамойилларига хос эмаслиги ва иқтисодий жарайонларда фақат тўловга қобилиятсизлиги сабаблигина банкротлик ҳолати юзага келишини англатади ҳолос. “Банкротство” китоби авторлари эса “банкрот корхона - бу иқтисодий ночор корхона”² деб қайд этадилар. Бироқ иқтисодий ночорлик ва банкротлик тушунчалари ўртасилда жуда катта фарқлар мажуд. С.Э.Жилинский эса юқоридаги “банкротлик” ва “иқтисодий ночорлик” тушунчаларига “тўловга қобилиятсизлик” тушунчани ҳам бир қаторга қўйиш лозим деб, “ҳаммаси тўловга қобилиятсизлик мақомидан бошланади ва унинг оқибатида қарздор кредиторлар олдидаги қарзларини узишнинг барча имкониятларидан маҳрум бўлсагина, қарздор “иқтисодий ночор” мақомини олиши келтирилган. Учинчи ҳал қилувчи мақом бўлган “банкротлик”ни эса ўқувсиз, пала-партиш иш юритувчи тадбиркорга суд томонидан берилади”³ дейди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар “банкротликка” тушиб қолишларини олдини олиш учун улар фаолиятини мунтазам равишда “маркетинг аудити” – яъни диагностикасини олиб бориш талаб этилади (1.2.1-расм).

Маркетинг аудити - ташкилотлар маркетинг функцияларининг асосий мақсади ва сиёсатини амалга ошириш жараёнини танқидий ва объектив равишда баҳолаш учун қўлланиладиган услублар ҳамда мантикий таҳлил тизимидан иборат.

Маркетинг тафтишнинг вазифаси фирмаларни келажакдаги режаларида мўлжалланган асосий масалаларни шакллантириш ҳамда унинг ишидаги камчиликларини бартараф қилиш лозим бўлган йўлларни


¹ Телюкина М. Соотношение понятий “несостоятельности” и “банкротства” // Юрист, 1997, № 12. С. 24.

² Банкротство: проблемы, нормативные акты, методические материалы и комментарии, разбор практики, ответы на вопросы. Сборник нормативных актов. с.183.

³ Жилинский С. Э. Правовая основа предпринимательской деятельности (предпринимательское право). Курс лекций. – М., Норма-Инфра, 1998 г. с. 591

аниқлашдан иборат. Бу ўз ичига фирмалар маркетинг мақсади, стратегияси, уни ташкил қилиш ва амалга оширишни олади.

Маркетинг тафтиши мустақил тамойиллар бўйича комплекс ва тизимли олиб борилади (2.1.2-расм).




1.2.1-расм. Корхоналарнинг маркетинг аудити жараёни¹

Маркетинг тафтишини амалга ошириш асосан олтти босқичдан иборат:

1. Тафтишни ким ўтказишини аниқлаш. Маркетинг тафтишини фирма мутахассислари, бўлимлар бошлиқлари ёки ташқи тафтишчи мутахассислар ўтказиши мумкин.
2. Тафтиш ўтказиш муддатларини аниқлаш. Маркетинг тафтиши фирмалар, компанияларда календар, ҳисобот йили охирида инвентаризация билан биргаликда ўтказилади. Тафтиш камида бир йилда бир марта ўтказилиши лозим. Тафтиш ҳар йили бир хил вақтда ўтказилиши лозим, чунки тафтиш маълумотларини йиллар бўйича солиштириб таҳлил қилиш талаб қилади. Айрим ҳолларда фирма ички тартибини яхшилаш мақсадида тўсатдан тафтиш ўтказиш лозим.

¹ Муаллиф ишланмаси

3. Тафтиш ўтказиш жойларини аниқлаш. Маркетинг тафтиши ички йўналишда ўтказилиши мумкин.



1.2.2- расм. Маркетинг тафтиши жараёни¹

4. Тафтиш ўтказиш ҳужжатлари ва иш қоғозларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш.

5. Тафтиш ўтказиш давомийлиги. Бу босқичда тафтиш ўтказишнинг давомийлиги аниқланиши лозим. Тафтиш ўтказиш тўғрисида ходимлар билиши лозимми ёки йўқми? Қайси вақтда тафтиш ўтказилади; иш

¹ А.Солиев. Маркетинг. Бозоршунослик . “Арт-флекс” Т.; 2008 йил, 217 бет

вақтдами ёки, ишдан ташқари вақтдами? Ушбу масалалар мазкур босқичда ўрганиб чиқилади.

6. Бошқарувга тафтиш натижаларини тақдим қилиш.

Маркетинг тафтишининг охирги босқичи - тафтиш натижаларини бошқарув ҳайъатига тақдим қилиш ва тавсияномалар беришдан иборат.


Корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини ўрганиш макродаражада ҳам олиб борилади. Бу жараён мамлакат ёки худлар кесимида аниқладани ва шу асосда уни чорадарини бартараф этиш бўйича тегишли дастурлар амалга оширилади. Макродаражадаги таҳлилилий хулосалар аниқ корхоналарнинг аниқ йўналтирилган маркетинг стратегияларини шакллантириб беради.

Иқтисодий ночорлик корхонага таъсир этувчи бозор омилларидан келиб чиқарили. Шунга мувофиқ ҳолда корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни биз 4 гуруҳга бўлишимиз мумкун (1.2.4-расм).

Чет давлатлардаги кўп йиллик корхоналарнинг оёққа туриши ва тараққиётига оид тажрибалардан келиб чиқадики, фирмани молиявий инқирози ва банкротлигининг сабаблари – **бу маҳсулотларга талабни қисқариши, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, уни издан чиқиши ва маълум бошқарув тизимининг йўқлигидир.**

Корхоналарни иқтисодий ночорлиги ва уларни сабабларини таҳлил қилишда амалиётда кўпроқ молиявий ҳолатларигагина баҳо берилади ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар таъсири камроқ ўрганилади.

2005 йилнинг 14 апрелида Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Қўмитаси “Корхонларнинг молиявий – иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги 1469-сон низомига асосан корхоналарнинг бошқа инқирозий ҳолатлари аниқланади.



1.2.4-расм. Иқтисодий ночорликни келтириб чиқарадиган омиллар¹

Низомга кўра **корхоналарнинг молиявий аҳволининг таҳлили қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:**

1. Корхонанинг тўлов қобилияти коэффиценти корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлашга қодирлиги таҳлил қилинганда:

$$KK = \frac{\text{жорий оборот активлари}}{\text{жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО},$$

A2 — юриб турган (оборотдаги) актив (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул жамғармалари, дебитор қарздорлик ва б.), корхона баланси активаининг 2 бўлим 390 сатри;

П2 — мажбурият, корхона баланси пассивининг 2 бўлими 770 сатри;

ДО — узоқ муддатли мажбуриятлар, корхона баланси пассивининг 1 бўлими 490 сатри.

Кўрсаткич 1,25 қийматдан паст бўлса корхона тўловга қобилиятсиз деб ҳисобланади.

¹ Муаллиф ишланмаси

2. Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлиги коэффициенти таҳлил қилинганда коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади :

$$K_{MT} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2},$$

A1 — узоқ муддатли активлар (асосий восита, номатериал активлар, пул қўйилмалари ва б.) корхона баланси активи 1- бўлим, 130 сатри;

П1 — шахсий маблағлар жамғармалари (устав капитали, захира капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган даромад ва б.) корхона баланси пассиви 1 бўлим 480 сатри;

Дзк2 — узоқ муддатли активларни харидига йўналтирилган, узоқ муддатли займлар ва кредитлар, корхона баланси пассиви 1 бўлими 570 ва 580 сатри;

Койфициент 0,2 қийматдан паст бўлса корхона ўз оборот маблағлари билан таъминланмиган ҳисобланади.

3. Корхонанинг ҳаражатлари рентабеллиги коэффициенти таҳлил қилинганда:

$$K_{xp} = \frac{Пудн}{P}$$

Пудн — Солиқ ҳисоблангандан олдинг даромад, форам № 2, корхона молиявий ҳисоботининг 5 устун 240 сатри ёки – минус белгиси билан 6 устун 240 сатри;

P — жами расходлар, корхона молиявий натижа ҳисоботининг 020 сатр 6 устун + 040 сатр 6 устун + 170 сатр 6 устун+ 230 сатр 6 устун.

Корхона ҳаражатлари рентабеллиги 0 қийматдан паст ҳисобланса зарар билан ишлаган деб ҳисобланади.

4. Корхона даромадлари рентабеллиги таҳлил қилинганда:

$$K_{pa} = \frac{Пудн}{ИсБ}$$

ИсБ — корхона балансининг жами ёки пассиви ўртача миқдори. Бу кўрсаткич ўрта арифметик ёки ўртахронологик йўл билан ҳисобланади.

Корхона даромадлари рентабеллиги 0,05 қийматга эга бўлса паст рентабеллик ҳисобланади.

5. Қисқа муддатли заем маблағлари ва ўзининг маблағлари муносабати коэффиценти таҳлил қилинганда

$$K_H = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

Корхона ўз қисқс муддатли заем маблағларига нисбатан коэффиценти ҳисобот даври охирига келиб 1 дан қийматга эга бўлса таввакалчилик борлигин билдиради.

6. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти

$$K_{kf} = \frac{Q_{\text{факт}}}{Q_{\text{лойиха}} - (Q_{\text{ижара}} + Q_{\text{консерв}})} =$$

$Q_{\text{факт}}$ – Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг солиштириладиган қиймат ифодасидаги фактик ҳажми.

$Q_{\text{лойиха}}$ – белгиланган вақт даврида и/ч маҳсулот (кўрсатилгшан хизмат) нинг солиштириладиган қиймат ҳажмининг максимал ҳажми.

$Q_{\text{ижара}}$ – ижарага берилган қувватларга тўғри келадиган маҳсулот ҳажмлари.

$Q_{\text{консерв}}$ – консервацияланган қувватларга тўғри келадиган ҳажмлар.

Корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти ҳисобот даврида 0,5 дан ёки ўртача тармоқдагидан кам бўлса у ҳолда корхона ишлаб чиқариш қувватлардан фойдаланиши паст.

7. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти таҳлил қилинганда

$$K_{\text{эс}} = \frac{Э}{А}$$

$Э$ – Асосий воситаларни эскирганлиги корхона балансининг 011 – сатри.

$А$ – Асосий воситалар бошланғич қиймати корхона балансининг 010 – сатри.

Корхона асосий воситаларини эскирганлигини аниқлаш учун коэффициент 0,5 микдордан юқори бўлса у ҳолда эскирганлик даражаси юқори бўлади.

Тараққиёт топган турғун иқтисодий ва сиёсий тизимга эга давлатларда банкротликка 1/3 қисмига ташқи омиллар ва 2/3 қисмига ички омиллар сабабчи бўлар экан.

Бизнес амалиётида банкротликни олдиндан айтиб бериш учун Е, Альмашнинг «Z-ҳисоби» ишлатилади.

$$Z\text{-ҳисоби} = \frac{(1,2 \text{ ОК} + 1,4 \times \text{ДТ} + 3,3 \times \text{АФД} + \text{СХ})}{\text{А} + 0,6 \times \text{ОАБК} / \text{П}}$$

Бу ерда: ДТ – даромадни қайта тақсимлаш;

СХ – сотиш ҳаражатлари;

А – барча активлар;

ОАБК – оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор қиймати

П – барча пассивлар.


Z-ҳисоб	Банкротлик эҳтимоли
1,8 ва ундан кам	Жуда юқори
1,81 дан 2,7 гача	Юқори
2,8 дан 2,9 гача	Мумкин
3,0 ва юқори	Жуда паст

Хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот бўлиш имконини баҳолашда куйидаги кўрсаткичлар нисбатини таҳлил қилиш зарур:

- барча активларга айланма капиталини нисбати;
- қарзларни акционерлик капиталга нисбати;
- барча пассивларни барча активларга нисбати;
- асосий капитални акционерлик капиталига нисбати;
- соф фойдани барча активларга, операциялардан келиб тушадиган нақд пулларни барча пассивларга нисбати;

➤ соф фойда плюс кредит бўйича фоизни кредит бўйича фоизларга нисбати.

Кичик шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ночорлиги ва банкрот бўлиши тадбиркорлар, раҳбарлар, фирманинг менежерлари томонидан йўл қўйиладиган бир қатор камчиликларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, корхоналарни иқтисодий ночорлигини асосий сабабларини биз қуйидаги чизмада ифодалашимиз мумкин (1.2.5-расм)



5-расм. Корхоналар иқтисодий ночорлигининг асосий сабаблар.

Ушбу расмда кўринишича, корхоналар тўловга лаёқатсизлиги ишлаб чиқариш, бозор муҳити, тўлов ҳисоб-китоб тизими соҳасидаги камчиликлар ва омиллар билан боғлиқдир. Корхоналар ўз бошқарувида ҳар қайси омил таъсирининг динамикасини ҳисобга олмоғи, ишлаб чиқариш соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Умумий хатолар ва камчиликлар ичидан янги ташкил этилаётган корхоналарнинг ўзига хос хатоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иш бошловчи тадбиркорларни ва етук фирмаларнинг менежментларини хато ва камчиликларини туркумлаш шуни кўрсатадики, бизнесни ташкил этишда имкониятларни, ресурсларни ва таваккалликларни ҳаётий циклини барча босқичларида пухта таҳлил қилиш керак бўлади.

Мустақиллигимизнинг қисқа даври давомида банкротлик аломатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш механизмлари тобора янгиланиб бормоқда ва ҳақиқий рақобат шароитига мосланмоқда. Иқтисодиётимизда банкротлик муаммоларини ўрганиш ва шунга оид ишларни тартиблаштириш мақсадида 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Бироқ рақобатнинг бозорнинг ривожланиши натижасида унга тегишли равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда. Банкротлик ишлари бўйича чет мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида уларнинг бу борадаги моделлари асосан икки кўринишга эга эканлигини кўришимиз мумкин:

Биринчиси, қарздор корхоналардан қарзни ундириб олиш чоралари бўлса, иккинчиси, банкротликка учраган корхоналарнинг тўловга лаёқатлигини тиклаш ва фаолиятини тегишли маркетинг тадбирлари ёрдамида ривожлантиришга қаратилган.

Мамлакатимизда шакллантирилган модел ҳам айнан банкротликдан корхоналарни бозор муаммоларини ўрганиш орқали уларга кўмамак бериш ва ўз фаолиятларини қайтадан тиклаш ва тегишли тартибда ўз бозорларини ривожлантиришдир. Шу йўналиш жуда кўплаб ривожланган мамлакатларда қўлланилади ва унда асосан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- Корхоналарни технологияларини янгилаш;

- Янги бозор сегментларини аниқлаш ва маҳсулотни айнан шу бозорга йўналтириш;
- Қўшимча капитал киритиш мақсадида янги инветорлар жалб этиш;
- Инновацион ишланмаларга ва маркетинг тадбирларига кўпроқ эътибор бериш;
- Корхонани диверсификациялаш;
- Ходимлар малакасини ошириш ёки қайта тайёрлаш;
- Халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш;
- Корхонани бозор муҳитига мослаш;

Юқоридаги ҳолатларни амалга ошириш натижасида кўплаб корхоналар ўзларининг бозор имкониятларини янада кенгайтирадилар ва молиявий соғломлаштириладилар.

1.3.Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бош мақсади хўжалик субъектларининг иқтисодий самарадорлик мезонлари ва иқтисодий рағбатларга таянган ҳолда ишлашига, шунга таянган ҳолда эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига эришишдир. Шу нуқтаи назардан, самарали ишлашга эриша олмаётган корхоналарни аниқлаш, бундай субъектларнинг бошқа корхоналарга салбий таъсирини бартараф этиш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг реал секторида асосан молиявий аҳволи ёмонлашган корхоналарга яратилаётган қонунчиик борасида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб (1994 йил 5 майда) “Банкротлик тўғрисида” Қонун қабул қилинди, унга ўзгартиришлар киритилиб, яна 2003 йилда янги тахрирда қабул қилинди. Ундан ташқари суд ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар ишлаб чиқилди. (1-илова) .

Мазкур қонун талабларини бажариш учун эса корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини аниқлаш ва баҳо бериш лозим эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида 1995 йил 17 июлда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни амалга киритиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. 1996 йил 11 декабрда (ПФ-1658) Республика Президентининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунни амалда қўллаш чора-тадбирлар ҳақида» Фармони эълон қилинди ва махсус орган – иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Қўмита тузилди. Қўмита зиммасига:

- корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ва улар банкрот бўлишининг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини ўтказиш;

- мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича қарорлар қабул қилиб, банкротлик тўғрисидаги ёки санациялаш ҳақидаги ишларни хўжалик судларининг кўриб чиқиши учун киритиш;

- банкротликка олиб келган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш ва шунга оид қарорлар қабул қилиш;

- қарздор корхонага нисбатан санацияни ўтказишнинг асосий принциплари ва тартибини, вакил қилинган органлар ва ташкилотларни уни ўтказишда қатнашиш шартларини тасдиқлаш;

- корхоналарни санациялашга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- қарздор корхонани ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ҳамда қарздор корхона раҳбариятининг ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

- банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш режаларини ва тугатиш жараёни ниҳоясига етказилгани тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

- банкрот деб топилган корхонани санациялаш ёки тугатиш тўғрисидаги хўжалик суди қарорларининг ижросини назорат қилиш каби масаллар киритилган.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Корхоналар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита томонидан «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги аломатларини аниқлаш мезонлари тизими» ишлаб чиқилди¹. Ушбу меъёрий ҳужжатга кўра корхонанинг иқтисодий ночорлиги тўловга қобиллик коэффиценти, ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффиценти, молиявий мустақиллик коэффиценти ва ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффицентига кўра аниқланиши белгилаб қўйилди.

Демак, 2000 йилгача бўлган даврда асосий эътибор банкротлик тўғрисидаги Қонун ижросини таъминлашга, тўғридан-тўғри молиявий-иқтисодий таҳлил қилишга ва уни назоратини такомиллаштириш масалаларига қаратилди. Ушбу даврда бу борада амалга оширилган қонунчилик тизимида иқтисодий ночор корхоналарнинг бозор фаолиятини такомиллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш масалаларига кам эътибор қаратилган. Шунингдек, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини бозор муҳитига мос ҳолда қайта соғломлаштириш масалалари четда қолган.

2000 йилдан бошлаб корхоналарнинг молиявий барқарорлик таҳлиliga тижорат банклари фаолиятини ночор корхоналарга банklar томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва қўмаклашиш борасида амалиётлар жорий этила бошланди. «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида банklar ўз номидан ўзининг ва жалб этилган маблағларининг ҳисобидан қайтариш, тўловлилик ва муддатлилик шартлари асосида кредитлар бериши қайд этилган². Мазкур шартларнинг амалда

¹ Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: Муаммолар ва уларни ҳал қилиш. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 й.

² Сборник законодательных Узбекистан актов по реформированию и либерализации банковской системы Узбекистана». – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 31-стр.

бажарилишига кўмаклашиш ва банк акциядорларининг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Тижорат банкларининг кредит сиёсатида талаблар тўғрисидаги Низом (янги таҳрир)” ишлаб чиқилган (Марказий банк бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган). **Низомнинг 2.6 – бандида кредит сиёсатида бўлажак қарздорларнинг кредит қобилиятини аниқлаш учун уларнинг молиявий ахволини таҳлил қилишнинг таомиллари батафсил ёритиб берилиши лозимлиги кўрсатилган. Банк қарздорнинг кредит қобилияти мезонларини ва уларни баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олиши лозим.**

Шунингдек, иқтисодий ночор корхоналарни инвестициялаш масалаларини тақомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги фармонида кўра **“Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси”** тугатилиб, унинг вазифалари “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига” юклатилди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 ноябрдаги ПФ–3675-сон Фармони)

Кейинги даврларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши, «Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига сотиш тўғрисида»ги Фармони,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 5 октябрдаги 10-сонли «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни такдим этиш тартиби тўғрисида»ги Қарорлари мамлакатимиздаги иқтисодий ночор корхоналарни қайтадан соғломлаштириш учун ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади. Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан- тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70%и ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»**ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қаторимтиёзлар (қўмаklar) берилган. Ушбу Фармойишга кўра банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди;
- уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;
- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган, жумладан:

- банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100%гача бўлган янги корхона ташкил этиш;
- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан, Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк Кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;
- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;
- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган, жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда қутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банklar тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган. Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 2003 йил 24 апрелдаги № 475-сонли қарори билан янги таҳрирда қабул қилинди. Қонун 1994 йилда қабул қилинганди 5 та боб ва 35 моддадан иборат эди. Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни 12 боб, 192 моддадан иборат бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади «Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат».

Янги қонунда банкротлик тамоиллари киритилиб улар қуйидагилар этиб белгиланди:

кузатув;

суд санацияси;

келишув битими;

ташқи бошқарув;

тугатишга доир иш юритиш.

Қорхонага суд санациясини жорий этиш тартиботи янги қонуннинг бешинчи бобида батафсил очиб берилган. Суд санациясини жорий этиш муддатлари, оқибатлари, санация қилувчининг мажбуриятларининг қонуний асослари яратилган. Эски қонунда санациянинг кечиши 18 ойдан ошмаслиги лозимлиги белгиланган бўлса янги тахрирдаги қонунда бу муддат 24 ойни ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Янги қонуннинг олтинчи боби қорхонага “ташқи бошқарув”ни жорий этиш тартиби белгиланган. Ташқи бошқарувни жорий этиш тартиби банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужатларида 2000 йилгача бўлган даврда киритилмаган эди. Ташқи бошқарув амалиётини киритилиши қорхоналарнинг соғломлаштириш жараёнларини самарадорлигини оширишда яна бир муҳим қадам бўлиб ҳисобланди.

Қонуннинг 184-моддасида банкрот деб топилган қарздор якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин мазкур тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда кредитор томонидан билдирилган талабларни келгусида бажаришдан озод этилиши назарда тутилган. Бу амалиёт кичик қорхоналарга берилаётган имкониятлардан биридир.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисидаги” қонуни бугунга келиб хўжалик юритувчи бозор субъектларининг манфаатларини тўлалигича ўз ичига қамраб олган ва эркин хўжалик юритиш шаклини ўзида намоён этган.

II боб. Наманган вилоятидаги иқтисодий ночор корхоналар фаолияти таҳлили

1.1. Тўқимачилик ва енгил саноат тизимидаги иқтисодий ночор корхоналарнинг бизнес режалари ва уларнинг бажарилиши аудити.

Бозор иқтисодиёти шароитида Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона бозорни ўрганган ҳолда “қандай маҳсулот ишлаб чиқариш керак?”, “ким учун ишлаб чиқариш керак?” ва “қанча миқдорда ишлаб чиқариш керак?”, қаерларда сотиш керак” таомийлларига амал қилган ҳолда иш юритиши лозим. Бунинг учун эса бозорни чуқур ўрганишлари, маркетинг соҳасида юқори малакали мутахассисларга эга бўлишлари талаб этилмоқда. Бозор тўғрисида қанчалик кўп маълумотларга эга бўлишлик рақобатчилар, истеъмолчиларнинг ҳарид қобиляти, ўхшаш товарлар хажмининг ўзгариб туриши ва шу каби омиллар бўйича ахборот тўплашлари ва атрофлича таҳлил этишлалари уларнинг бозордаги муваффақиятлари гаровидир.

Корхоналар ўзларининг бозор фаолиятини ҳамда келгусида амалга ошириши мумкин бўлган тактик ва стратегик режаларини бизнес режасида акс эттиради. Бизнес режа – бу корхонанинг ривожланиш стратегисини белгилаб берадиган асосий ҳужжатдир. Бизнес режа корхонанинг ўзоқ ёки қисқа муддатли иш жараёнини тавсифлаб, фойда олишни қай тариқа амалга ошириш йўналишларини акс эттиради.

Бизнес режани илмий-амалий жихатдан асосланганлиги ва реал бозор шароитига мувофиқлиги корхонанинг ишлаб чиқариш режаларини мунтазам бажарилишини таъминлайди.

Бизнес режадаги барча кўрсаткичларни бажарилишини бошқариш ва мувофиқлаштириб бориш жараёнида маркетинг аудит(тафтиш)ни аҳамияти алоҳида. Чунки корхонанинг рақобатчилари стратегиясида ва бозордаги конъюнктурада янгиликлар сезилганда бизнес режа

кўрсаткичларига ҳам ўзгартиришлар киритилиб борилади. Корхона маркетинг фаолияти ва унинг режасидаги ўзгаришларга кўпроқ рақобатчиларнинг самаралироқ хатти ҳаракати ишлаб чиқаришда, харидорларни жалб этишда ёки бошқа соҳада янгиликни жорий қилиб кўзланган фойдага эришишларига сабаб бўлади.

Корхоналарининг иқтисодий ночорлигини баҳолашда уларнинг бизнес режалари бажарилишини маркетинг аудити ўтказилади.

Корхонанинг бизнес режасини бажарилишини аудит қилишда унинг барча бўлимларида белгиланган кўрсаткичларни амалда бажарилган ҳажмларини белгиланган кўрсаткичлар билан таққослаш орқали амалга ошириш мумкин. Бироқ, битта корхонанинг бизнес режасини таҳлилда бундай амалиётни қўллаш мумкин, агар корхоналарнинг бир нечтасини таҳлил қилиш керак бўлса, у ҳолда дастурлаш тизимларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Вилоятимиздаги иқтисодий ночор корхоналар ёки банкрот бўлган корхоналарнинг бизнес режалари ва уларнинг бажарилишини таҳлил қилишда энг асосий кўрсаткич бўлган жихатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги сабабларини аниқлашда энг аввало, бизнес режаларини тавсифлаш уларнинг бозор муҳитини қай даражада ўрганганлиги ва унга мос стратегиялар ишлаб чиқилганлиги асосий омил ҳисобланади. Масалан, собиқ “Намангантекстил” ОАЖ корхонаси 2006 йилда Кореянинг “HAIN TEX CO” LTD корхонасига 2008-2027 йиллар давомида 32,24 млн АҚШ доллар миқдорида инвестициялар киритиш бўйича бизнес режа тасдиқланиб корхона “HAIN TEX” номи билан иш бошлади. Бизнес режасининг бажарилишини таҳлил қилинганда корхона бошланғич 4 йил давомида киритилган инвестициялар 40 %ни ташкил этди ҳолос (2.1.1-жадвал). Ҳамкорлар фикрича, жаҳонда вужудга келган иқтисодий инқироз ва хом-ашё нархининг жаҳон бозорларида кўтарилиши ҳамда Жанубий Корея Республикаси банклари томонидан бу тармоққа хорижий кредитлар

ажратишда лимитларни чегараланганли сабабли шартнома кўрсаткичлари бажарилмади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, корхона бизнес режасини ишлаб чиқиш жараёнди фаолиятига таъсир этувчи юқорида санаб ўтилган омиллар таъсири ҳисобга олинмаган. Белгиланган даврда лойиха амалга оширилса 2017 йилда 27 минг тонна ип калава ишлаб чиқаришга ва 3000 та янги иш ўринлари яратилган бўлар эди. Аммо 2011 йилда корхона 325 нафар ходим билан 2421 тонна ип калава ишлаб чиқарган ва режадаги экспортни атига 10 %га бажарган.

2.1.1-жадвал

“HAIN TEX” хорижий корхонасининг бизнес режасини бажарилиши ва маҳсулот ишлаб чиқариши кўрсаткичлари таҳлили

Йиллар	Режа (минг АҚШ доллар)	Амалда (минг АҚШ доллар)	Ип калава ишлаб чиқариш (тонна)
2008	10000,0	8299,0	1646
2009	0	43,0	3215
2010	1500,0	1012,0	2991
2011	11500,0	0	2421
Жаъми	23000	9354,0	

Манба: Наманган вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган шаҳридаги “Нотўқимачи” ОАЖнинг бизнес режаларини бажарилиши батафсил таҳлил этамиз. “Нотўқимачи” ОАЖ корхонаси ўзининг бизнес режаси қисқа муддатга (1 йил) тузади. Бизнес режанинг тузилиши фақат маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ифодалайди. Корхонанинг бизнес режасида унинг кучли ва кучсиз томонлари таҳлили келтирилган. Бироқ корхонанинг кучли ва кучсиз томонлари таҳлили фақат ички муҳит омилларигина назарда тутилган ҳолос. 2011-2013 йилларга тузилган бизнес режаларида бозор имкониятлари, рақобатчилар таҳлили, маҳсулот ассортименти ва сифатини ошириш масалаларига умуман эътибор қаратилмаган. Корхона ўзининг технологик ҳолати, импорт маҳсулотларининг таъминоти, маҳсулот ассортиментини торлиги,

махсулотлари рақобатчиларникига нисбатан таннархининг юқорилиги, янги махсулотлар яратиш бўйича инновацион имкониятлари етарли эмаслиги каби омилларни бизнес режасида кучсиз томонлари этиб белгиланган. (2-иловада). Бироқ бундай ҳолатларни яхшилаш бўйича тегишли режалар ишлаб чиқилмаган. Шунинг билан бирга, 3 йил давомида тузилган йиллик бизнес режаларининг барчасида корхонанинг кучсиз томонларини ёки бозор фаолиятига таъсир этувчи омиллар тизимини яхшилаш чоралари белгиланмаган. Корхона бизнес режасида имзоланган шартномаларга мос ишлаб чиқариш ҳажмлари акс эттирилмаган. Бизнес режасининг асосий бўлими ҳисобланган махсулотларни сотиш режасида аниқ йўналтирилган бозорлар ва сотиш усуллари акс эттирилмаган. Корхонанинг бизнес режаси фақат ишлаб чиқариш қувватларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнларини акс эттирган ҳолос. Корхонада олдинги йилдаги захиралар ҳисоби ва уни сотиш масалалари акс эттирилмаган. Бизнес режа кўрсаткичларини унинг бажарилиши кўрсаткичлари билан таққосланганда юқорида келтирилган фикрлар тасдиғини топади.

“Нотўқимачи” ОАЖнинг асосий фаолият тури пахта толаси ва чиқиндиларидан нотўқима мато, ватин ва ип газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонанинг “Ўзбекенгилсаноат” ДАК асосий акциядори ҳисобланади.

Корхона 2011 йилда режада белгиланган 6601 минг п.м нотўқима матодан 4712 минг п.м. нотўқима мато ишлаб чиқариб режага нисбатан 1889 минг п.м. кам махсулот ишлаб чиқарган. Бироқ, 2010 йилдаги захира товарларнинг ҳисобига 2011 йилдаги фаолияти барқарорлигига таъсир этмаган.

2.1.2-жадвал

“Нотўқимачи” ОАЖнинг бизнес режаси бажарилиши таҳлил

кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2011 й			2012 й			2013 й		
		режа	амалда	фарқи	режа	амалда	фарқи	режа	амалда	фарқи
махсулот ишлаб чиқариш	минг.п.м	6601	4712	-1889	6601	3891	-2710	6574	3015	-3559
махсулот сотишдан тушган тушум	минг сўм	6763867	13608002	6844135	15001746	12000000	-3001746	13953963	6272987	-7680976
сотилган махсулот таннари	минг сўм	6323861	12370911	6047050	13914103	10909091	-3005012	12235431	6264801	-5970630
корхона қувватларидан фойдаланиш	%	88	88	0	90,7	87,1	-3,6	88	65	-23
давр харажатлари		445506	1010355	564849	1093143	912898	-180245	1730026	996967	-733059
сотиш хара	минг сўм	4500	77561	73061	22000	0	-22000	12500	0	-12500
бошқарув хара	минг сўм	80600	177691	97091	180600	253732	73132	202700	327058	124358
бошқа хара	минг сўм	285400	755103	469703	385400	659166	273766	731300	669906	-61394
бюджет тўловлари	минг сўм	10006	19992	9986	90143	24181	-65962	618526	32318	-586208
соф фойда	минг сўм	20000	53550	33550	30000	92426	62426	100000	59535	-40465
ишчилар сони	нафар	325	410	85	307	265	-42	311	308	-3

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди

2012 йилда эса корхона ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти бизнес режасига нисбатан 2710 минг п.м га кам бажарган. Бироқ, бозорда нотўқима матоларга бўлган талабнинг кескин ошиши, ишлаб чиқариш режасини бажарилмаслигига қарамасдан қўшимча 62426 минг сўм соф фойда кўрган. 2012 йилги ҳолатидан келиб чиқиб 2013 йилда тузилган бизнес режасида 6574 минг п.м. нотўқима мато ишлаб чиқариш белгиланган бўлса, бу кўрсаткич 3015 минг п.м.ни ташкил этди. Бундай ҳолат 2012 йилга нисбатан ҳам ишлаб чиқариш кўламини пастлаши ва белгиланган режани бажара олмаслигини асослайди. Натижада корхонанинг умумий бозор фаолияти кескин даражада пасайди. 2010 йилда корхона ўзининг сотиш харажатларини 4500 минг сўм этиб белгилаган ва режадан ташқари қўшимча 73061 минг сўм кўпроқ харажат қилган. Корхона 2011 йилда юқори иқтисодий самарадорликка эришган.

Сотиш харажатларига ажратилган маблағларни сарф этилмаслиги ҳамда бошқарув харажатларини кескин ортиши натижасида корхона самарадорлиги 2012-2013 йиллар довомида пастлаган. Корхонанинг маҳсулот сотиш режасининг бажарилиши бошқа барча кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаб беради. Сотиш режаларини бажарилиши таҳлили молиявий натижалар тўғрисидаги статистика ҳисоботининг 010 строкасининг кўрсаткичларини бизнес режадаги кўрсаткичларга нисбатан баҳолаш орқали аниқланади.

2.1.3-жадвал

“Нотўқимачи” ОАЖнинг маҳсулот сотиш режаси бажарилиши таҳлил

Кўрсаткичлар	ўлчов бирли г	режа	амалда	фарқи	ўтган йилга нисбатан фарқи (%)	Режага нисбатан фарқи (%)
		2011 йил				
Маҳсулот сотишдан тушган тушум	минг сўм	6763867	13608002	6844135	111	201,2
		2012 йил				
Маҳсулот сотишдан тушган тушум		15001746	12000000	-3001746	88,2	80,0
		2013 йил				
Маҳсулот сотишдан тушган тушум		13953963	6272987	-7680976	52,3	45,0

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди

2.1.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, “Нотўқимачи” ОАЖда 2011 йилда 13608,0 млрд сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, 2012 йилда 12000,0 млн сўмни ташкил этиган, яъни 2011 йилга нисбатан 88,2 %ни ташкил этган. Худду шу каби, 2013 йилда эса 2012 йилга нисбатан 52,3 %ни ташкил этган. Корхона бизнес режа бўйича ўз мажбуриятларини 2011 йилда 201 % га (ишлаб чиқариш заҳираларининг камайиши ҳисобига савдо кўпайган), 2012 йилда эса 80 % га, 2013 йилда эса атига 45 % га бажарилган. Бундай ҳолат корхонани товарлар бозоридаги молиявий ҳолати ёмонлашиб бораётганлиги ҳамда унинг маҳсулотларини бозордаги улуши кескин паслаётганлигини билдиради.

Корхонанинг сотиш режасини бажарилишини янада самаралироқ усулда таҳлил қилиш учун маҳсулотларни айрим турларини сотиш режаларини натура ва қиймат кўринишида бажарилиш муддатлари бўйича аниқлаш лозим.

“Нотўмачи” ОАЖ маҳсулотларини сотиш режаларини бажарилмаслик сабабларини аниқлаш учун унга таъсир этувчи омиллар аниқланади. Бунинг учун товарлар балансини тузиш мақсадга мувофиқ.

Товар баланси қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$Й_6 + T = C_T + Й_0$$

Бунда:

Й₆-тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи;

T-ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти;

C_T- сотилган маҳсулот хажми;

Й₀ – тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи;

Корхонада маҳсулот сотиш хажми 2012 йилда режага нисбатан 888441 минг сўмга камайган. Бунинг ҳисобига 2013 йилда тайёр маҳсулот қолдиғи янада ортган. 2013 йилда маҳсулот қолдиғининг кўпайиши, унинг сотиш хажмига таъсир этмаган ва маҳсулот қолдиғи янада кўпайган.

Корхонанинг сотиш хажмига қуйидаги омиллар таъсир этган.

$$C_T = Й_0 + T - Й_6$$

1. Тайёр маҳсулотнинг йил бошига бўлган қолдиғини ўзгариши;
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулот;
3. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига бўлган қолдиғини ўзгариши;

Сотиш хажмига таъсир этувчи омилларнинг иккитаси яъни тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи (Й₀) ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг режага нисбатан (T) ўзгариши бевосита ва билвосита таъсир этади. Бу кўрсаткичларни (Й₆, T) камайтириш 2012-2013 йилда режага нисбатан камайтиришга олиб келган. 2012 йил охиридаги (Й₀) тайёр маҳсулот сотиш хажмига тескари таъсир этади. Шунинг учун, унинг ортиши сотиш хажмини 2013 йилда камайтирган.

2.1.4-жадвал

**“Нотўқимачи” ОАЖнинг сотиш хажмига таъсир этувчи омиллар
таҳлили**

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Режа	Амалда	Фарқи (+/-)	Сотиш хажмига таъсири таъсири
		2012 йил			
тайёр маҳсулот йил бошига қолдиғи	Йб	110000	111947	1947	1947
ишлаб чиқарилган товар хажми	Т	13914103	5147473	-8766630	-8766630
жами	Х	14024103	5259420	-8764683	-8764683
сотилган маҳсулот	Ст	15001746	6113305	-8888441	Х
тайёр маҳсулот йил охирига	Йо	100000	1318941	1218941	-1218941
жами	х	15101746	7432246	-7669500	-1218941
		2013 йил			
тайёр маҳсулот йил бошига қолдиғи	Йб	100000	1318941	1218941	1218941
ишлаб чиқарилган товар хажми	Т	12235437	6264801	-5970636	-5970636
жами	Х	12335437	7583742	-4751695	-4751695
сотилган маҳсулот	Ст	13953963	6272987	-7680976	Х
тайёр маҳсулот йил охирига қолдиғи	Йо	117894	39524	-78370	78370
жами	х	14071857	6312511	-7759346	78370

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди

2013 йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғининг режасини корхона бизнес режасида акс эттирмаган. Шунга мувофиқ, биз уни 2012 йил якунидаги кўрсаткични режа деб оладиган бўлсак, бу кўрсаткич йилнинг якунида яна 757044 га ортган, йил охиридаги қолдиқнинг янада ортиши корхонага кейинги йил учун сотиш хажмини бевосита янада камайтиради. Корхонанинг сотиш хажмини камайишига 2012 йил бошидаги захира 1,2 % таъсир этди. Худди шунингдек 2013 йилда эса 17,1 % га салбий таъсир этгани ҳам ўз тасдиғини топди.

Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг режаси 2012 йилда режадан 8766630 минг сўмга кам ёки 37 %га бажарилган ҳолос. Шунга мувофиқ, ҳолда олдинги йил захирасининг мавжудлиги ва қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотилмай қолиши натижасида 2013 йилда захираларнинг умумий миқдори режадан ташқари 757044 минг сўмга

ортган. Бу кўрсаткич, 2014 йил учун ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Таҳлилларга асосланган ҳолда, 2012-2013 йилларда сотилмаган товар қолдиқлари бизнес режани бажарилмаслигига 31 %, товар ишлаб чиқариш режасининг бажарилмаслиги эса 85 % таъсир этган. Юқорида қайд этилган омиллардан ташқари сотиш режасининг бажарилмаслигига маҳсулот сифатининг бозордаги талаб ва таклиф ўзгаришлари, бошқарув харажатларининг кескин ошиши ҳамда маҳсулот сотиш харажатларининг камайиши ва рақобатчи корхоналарнинг ўриндош товарлари таъсир этган. Бундай ҳолатда корхона, ўзининг мижозларига хизмат кўрсатиш даражаси пасаяди ва молиявий аҳволи йилдан-йилга пасайиб бораверади. Бу эса “Нотўқимачи” ОАЖнинг ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажариш бўйича тегишли тартибда иш кўра олмайди, мижозларнинг корхонага бўлган ишончсизлиги пасаяди, улар томонидан турли хилдаги иқтисодий чоралар кўрилади. Юқоридаги таҳлилий натижалардан кўриниб турибдики корхонанинг иқтисодий ҳолати ёмонлашиб, рақбатда ўз мавқеини йўқотишга олиб келмоқда.

Наманган вилоятида фаолият юритаётган “Mega textil” қўшма корхонасининг 2008-2013 йилларда жами 1700,6 минг.АҚШ доллар миқдордаги инвестиция киритиш шarti билан сотилган корхонанинг бизнес режасини таҳлил қиламиз. Бизнес режа харажатларининг умумий қиймати 1940,0 АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 12 % и 239,0 минг АҚШ доллари айланма маблағлар ва 88 %, 1700,6 минг АҚШ доллари технологиялар харидини ўз ичига олади. Бизнес режанинг 21 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим ўзаро мувофиқлаштирилган ва бозор имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Корхона бизнес режаси маҳсулотларни 80 % экспортга чиқариш режасини ишлаб чиқилган бўлиб, асосан Россия, Корея ва Туркияга бозорлари кўзланган.

**“Мега текстил” хорижий корхонасининг ишлаб чиқариш
режасини бажарилиши таҳлили**

курсаткичлар	ўлчов бирли	2011 й			2012 й			2013 й		
		режа	амалда	фарқи	режа	амалда	фарқи	режа	амалда	фарқи
махсулот ишлаб	тонна	1400	665	-735	1600	743	-857	1800	845	-955
ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси	тонна	70	33,25	-36,75	80	37,15	-42,85	90	42,25	-47,75

Манба: “Мега текстил” хорижий корхонасининг маълумотлари асосида тузилди

“Mega textil” К/Книнг бизнес режаси бўйича режалаштирилган ишлаб чиқариш амалга ошмади. Шунингдек, корхона ўзининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини 5 йилда 100 % га чиқариш режасини тузилган, бироқ корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2013 йилда 42 %ни тақил этди. Ишлаб чиқариш режасинининг бажарилмаслиги корхонанинг ички ва ташқи бозорларга маҳсулот сотиш режаларини ва корхонанинг молиявий режаларини бажарилмаслигини англатади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, енгил саноат корхоналарининг бизнес режаларини ишлаб чиқиш жараёнларида унга таъсир этувчи омиллар таъсири ўрганилмаган. Шунингдек, корхоналарнинг бозор фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммолари ва уларнинг ечимлари бизнес режаларда аниқ ифода этилмаган.

2.2.Вилоятдаги иқтисодий ночор корхоналарнинг маҳсулот ассартименти ва сифати тавсифи.

Товарлар ассортименти деганда ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулотларнинг маълум бир белгиларига қараб, яъни унинг турлари, нави, ўлчами, маркаси, артикулларига қараб ажратиладиган гуруҳлари тушунилади.

Товарлар ассортиментининг ишлаб чиқариш ва савдо ассортименти фарқланади.

Ишлаб чиқариш ассортименти бу – саноат корхоналарининг маҳсулотлари турлари.

Савдо ассортименти эса – истеъмол қиймати бўйича гуруҳланган ва магазинларда сотишга қўйилган товарлардир.

Корхоналар бизнес режасида маҳсулотлар наменклатураси ифодаланади.

Масалан, “Нотўқимачи” ОАЖнинг 2010 йил бизнес режасидаги ишлаб чиқариш ассортименти маҳсулотлар тури шаклида ифодаланган.

«Нотўқимачи» ОАЖнинг 2013 йилги ҳисобот даврида беш хил ассортиментдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, уларнинг барчаси ҳам натура, ҳам қиймат кўринишида бизнес режада белгиланган ҳажмдан кам миқдорда ишлаб чиқарилган. Корхонада 2013 йилда жами ассортимент ҳисобига 56007,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ўртача ассортимент режасининг бажарилиши 28 %ни ташкил этган. Агар маҳсулот ассортименти бўйича таҳлил этилганда «Нотўқимачи» ОАЖ томонидан газлама типиде тўқилган мато ишлаб чиқариш атига 2,3 %га, ватин ишлаб чиқариш эса 35,1 %га, нотўқима мато ишлаб чиқариш эса 50-55 % атрофида бажарилган. Корхона томонидан ассортимент режасининг бажарилмаслигига эса бир қатор омилар таъсир этган. (2.2.1-жадвал)

Маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини шакллантиришда корхона биринчи навбатда, маҳсулотлар турига бўлган талабни ҳамда бозордаги рақобат ҳолатини, иккинчидан эса, корхонада мавжуд бўлган маҳсулот, хом-ашё, технология, молиявий ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланишни эътиборга олиш зарур эди.

2.2.1-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖнида 2013 йилдаги маҳсулот ассортименти таҳлили

Маҳсулот тури	ўлчов бирлиги	маҳсулот бирлигининг баҳоси	ишлаб чиқарилган маҳсулот натура шаклда		ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймат шаклда минг сўм		ассортимент хисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	ассортимент режасини ўртача бажарилиши (%)
			бизнес режа	амалда	бизнес режа	амалда		
нотўқима мато. Арти.911246	т.пог.м	3100	1024	525	3174400	1680000	1680000	52,9
нотўқима мато. Арти.911244	т.пог.м	1850	1040	451	1924000	965140	965140	50,2
нотўқима мато. Арти.911244(е)	т.пог.м	1125,5	3875	2531	4361312,5	2406981	2406981	55,2
втин пахта арти 917620(б)	т.пог.м	1500	635	215	952500	334325	334325	35,1
газлама типдаги нотўқима мато	т.пог.м	1592,8	5939	145	9459713	214310	214310	2,3
жами	т.пог.м		12513	3867	19871925,5	5600756	5600756	28,2

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди

Бизнес режасида ассортиментни шакллантириш жараёнлари қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олиши шарт:

- Ассортиментни истеъмолчиланинг эҳтиёжларига мослаштириш;
- Чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини баҳолаш;
- Маҳсулотни бозордаги ҳаётийлик циклини ўрганиш;
- Ўз вақтида замонавий бўлган товарлар турларини яратиш чораларини кўриш;
- Технологияларни янги ассортимент товарлар ишлаб чиқариш учун мослаштириш;
- Иқтисодий жihatдан кам фойдали бўлган маҳсулотлардан воз кечиш;
- Иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ассортименти ўзгаришида хавф-хатар даражасини баҳолаш;

Ассортимент сиёсатини шакллантиришда корхоналарга асосан ички маркетинг муҳити омиларини таъсирини камайтириш чораларини кўришлари лозим. Маҳсулотни диверсификациялаш жараёнида «Нотўқимачи» ОАЖ томонидан умуман дастурлар ҳам ишлаб чиқилмаган ва бу борада бозор тадқиқотлари амалга оширилмаган. Бундай ҳолатни биз бошқа корхонларда ҳам кузатишимиз мумкин. Шунга кўра, енгил саноат бозори ҳозирда кечкин рақобат муҳити шароитида қолганлигини ҳисобга олиб, юқоридаги тадбирларни амалга ошириш куннинг долзарб вазифаларидан бири саналмоқда. Ассортимент сиёсатини ишлаб чиқиш нафақат унинг турини кўпайтириш балки истеъмол қийматини ҳам ўзгартиришни назарда тутди. Шунга кўра, ҳар бир корхона ўзининг товар сифатини жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқариш лозим бўлади.

Товарнинг сифати деганда маҳсулотнинг истеъмол қиймати даражаси ва унинг харидорлар дидидаги юқори таснифий белгиларга ва мазкур маҳсулот учун белгиланган мамлакат ёки халқаро стандарт меъёрларига жавоб бериши тушунилади. Товарнинг сифатлилик даражаси унинг таъриф эламенти сифатида ўз харидорига эга эканлиги, таснифий белгилари эса

техник-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, экологик иқтисодий белгиларнинг мувофиқлигини характерлайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига доимо катта эътибор бериб келиш лозим. Маҳсулот сифати истеъмолчилар эҳтиёжларини яхшироқ кондиритишга имкон берувчи товарлар мўл-кўллиги, маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг пул кўринишидаги ифодасининг ашишига, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида капитал кўйилмалардан тежаб қолиш ва фойда миқдорини ўсишига олиб келади. Маҳсулот сифатини ошириш бозорда бу маҳсулот сотилишини тезлаштириди, талабни тўлароқ кондиритириди ва корхона фойдасини оширишга олиб келади ва экспорт имкониятларини ҳам тезлаштириди.

Маҳсулотнинг сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар системаси қуйидагилар:

- жами ишлаб чиқаришда янги маҳсулотнинг улуши;
- аттестациядан ўтган ва ўтмаган маҳсулотларнинг тутган улуши;
- олий сифатдаги маҳсулотларнинг улуши;
- жахон стандартлари талабларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улуши;
- экспорт қилинадиган маҳсулот улуши;

Умумий кўрсаткичлардан ташқари ҳар бир маҳсулотни индивидуал хусусиятлари ҳам сифатини ифодалайди.

Енгил саноат товарлари нав ва сортларга бўлинади, шунинг учун ҳам уларни сифатини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодалашимиз мумкин.

1. Ўртача навлилиқ коэффициентини;
2. Ўртача маҳсулот бирлигининг сотиш баҳосини;

Маҳсулот сифатига одатда қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- Фойдаланилаётган хом-ашё ва материаллар сифатини;
- Ишлаб чиқаришда иштирок этадиган техника ва технологиялар ҳолатини ва унинг ўсиб борувчанлигини;

- Ходимларнинг малакаси ва техник тайёргарлик даражаси, маҳсулот сифатига жавобгарлиги ва моддий рағбатлантириш ва бошқалар.

Юқоридаги омилларнинг товар сифатига таъсирини таҳлил этиш орқали корхона маҳсулотларини сифатини ошириш омилларга баҳо берилади ва улар таъсирини камайтириш чоралари қўлланилади.

Мамлакатимизда маҳсулот сифатини ҳарактерловчи энг асосий кўрсаткич бу - Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан белгиланган техник кўрсаткич ҳисобланади.

Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни «Нотўқимачи» ОАЖ мисолида таҳлил этамиз.

«Нотўқимачи» ОАЖ томонидан пахта хом-ашёсининг сифати маҳсулот бирлиги нархининг ошишига таъсири 2.2.2-жадвал маълумотларида келтирилган. Нотўқима матонинг 911246 ва 911246 артикуллари О'z DST 567-96, ватин 917620 артикули эса ГОСТ 19008-93 стандарт талабларида ишлаб чиқарилади. Уларга сарф этилиши лозим бўлган асосий хом-ашё пахта толаси. Пахта толасининг сифати белгиланган нормативларга мос эмаслиги корхонада ундан чиқадиган чиқидларнинг қўпайиши ва чиқидлар ўрнини тўлдириш эса хом-ашёни янада кўпроқ сарф этишига олиб келади. Шунга кўра, бир бирлик маҳсулот тайёрлаш учун асосий тардаги хом-ашёнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсирини таҳлил этилганда қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Нотўқима матонинг 911246 артикулининг бир бирлиги учун пахта толанинг (5%) 0,0202 кг қайта ишланадиган ва яна 0,0202 (5%) эса қайта ишланмайдиган чиқинди режалаштирилган бўлиб, уларнинг амалдаги сарфи тегишли равишда 0,0214 (6 %) ва 0,0245 (7 %) сарфланган. Бу дегани 1 кг пахта толасининг амалдаги сифат кўрсаткичи бўйича жами 10 % чиқинди ўрнига корхона маҳсулот ишлаб чиқариш учун 13 % хом-ашёни чиқиндига чиқарган. Шунингдек, хом-ашёнинг нархини ҳам ўсиши кузатилган. Шунга кўра, 1 пм. Нотўқимаматонинг 911246 артикулдаги

нотўқима мато ишлаб чиқариш учун корхонада қўшимча 43 сўм харажат қилинган.

2.2.2-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖнинг 2013 йилда хом-ашё сифатини маҳсулот таннархига таъсири таҳлили

Хом-ашёлар номи	ўлчов брлиги	сарф этиш меъёри		нархи		бахоси сўм		фарқи
		режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	
арт 911246 нинг 1 п.м.учун								
пахта толаси (4-нав)	кг	0,3640	0,3640	3640,8	3640,8	1325	1325,2	0,0
пахта чиқиндиси хисоби	кг	0,0202	0,0214	240,0	240,0	5	5,1	0,3
хом ашёнинг қайтиши	кг	0,0202	0,0245	3461,9	3461,9	70	84,8	14,9
пахта ипи № 50/1	кг	0,0725	0,0725	8451,5	8841,7	613	640,9	28,3
жами						2013	2056,1	43,4
арт 911244 нинг 1 п.м.учун								
пахта толаси (5-нав)	кг	0,3434	0,3434	2309,0	2309,0	793	792,8	0,0
пахта чиқиндиси хисоби	кг	0,0191	0,0224	240,0	240,0	5	5,4	0,8
хом ашёнинг қайтиши	кг	0,0191	0,0264	2197,2	2287,4	42	60,4	18,5
пахта ипи № 50/1	кг	0,0662	0,0725	8451,5	8654,7	559	627,4	68,0
жами						1399	1486,0	87,3
Ватин. арт 917620 нинг 1 п.м.учун								
пахта толаси (4-нав)	кг	0,1613	0,1613	3640,8	3640,8	587	587,2	0,0
пахта толаси (5-нав)	кг	0,1814	0,1814	2306,0	2306,0			
пахта чиқиндиси хисоби	кг	0,0403	0,0541	1538,2	1651,2	62	89,3	27,3
хом ашёнинг қайтиши	кг	0,0202	0,0251	2787,2	2887,2	56	72,5	16,3
пахта ипи № 20/1	кг	0,0256	0,0265	9500,0	9550,0	243	253,0	9,8
жами						949	1002,0	53,4

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди

Юқоридаги ҳолат нотўқима матонинг 911244 артикули учун ҳам хос бўлиб уни ишлаб чиқаришда корхона 5 навли пахта толасидан фойдаланади. 5-навли пахта толасини қайта ишлаш жараёнида ҳам юқоридаги ҳолатни кузатишимиз мумкин ва бу артикулнинг 1 пм.ишлаб чиқариш учун корхона ўзининг режасига исбатан 87,3 сўм кўпроқ маблағ сарф этган.

Ватин ишлаб чиқаришда эса пахта толасининг 4 ва 5 навлари ишлатилади. Корхона бир пм. ватин учун пахта хом-ашёнинг тегишли

сифатга жавоб бермаслиги натижаси ўзининг бизнес режасига нисбатан 53 сўм қўшимча ҳаражат қилган. Ҳаражатларни ошиши эса корхонанинг хом-ашёларга бўлган сарф ҳаражатларини ошишига олиб келган.

Юқоридаги таҳлиллар хом-ашёнинг сифати корхонанинг маҳсулоти сифати ҳамда ҳаражатларининг ошишига олиб келганлигини тасдиқлайди.

Корхона маҳсулотларининг сифатига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида унинг технологиялари ва уларнинг самарадорлиги ҳисобланади. Корхонанинг маҳсулотларини сифати технологияларнинг техник ҳолати ва ишлаб чиқариш сарадорлигига боғлиқ. Шунинг учун биз «Нотўқимачи» ОАЖнинг ишлаб чиқаришда иштирок этадиган технологияларнинг техник ҳолатини таҳлил этиш натижасида унинг сифатига таъсирини таҳлил этамиз. Одатда технологиялар корхонанинг асосий воситаси ҳисобланиб унинг таҳлили асосий воситалар ҳолатини баҳолаш асосида амалга оширилади. Технологияларни йил давомида такомиллаштириб бориш ва самаралисига алмаштириб бориш талаб этилади. Эскирган технологияларни эса ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланади.

Ишлаб чиқаришда иштирок этувчи технологияларнинг техник ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

- Технологияларнинг яроқлилиги;
- Эскириш даражаси;
- Янгилаш даражаси;

2.2.3-жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган “Нотўқимачи” ОАЖнинг технологиялари ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадики корхона фаолият юритган 2010-2013 йиллар давомида технологияларнинг яроқлилик даражаси 11,38 % га пасайган бўлиб, жами технологиялар қийматининг 25,05 % ни ташкил этмоқда. Қолган 75 % технологиялар ўзининг мудатини ўтаб бўлган ва эскирган ҳисобланади. Корхона технологияларнинг техник ҳолати ижобий эмас ва умумий техник ҳолати етарли эмас. Чунки технологияларнинг тўрдан бир қисмигина ишга яроқли ҳолатда сақланган. Бу эса корхона

ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати ҳам шунга мос ҳолда эканлигини тасдиқлайди ва маҳсулотларни ассортиментини ўзгартириш имконияти мавжуд эмас.

2.2.3-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖ технологияларининг техник ҳолати таҳлили

технологиялар	бошланғич қиймати (минг сўм)	эскириш қиймати (минг сўм)	қолдиқ қиймати (минг сўм)	эскириш дарадаси %	яроқлилик даражаси %
2010 йил	1460998	928749	532249	63,57	36,43
2011 йил	1388978	906394	482584	65,26	34,74
2012 йил	1415201	989866	425335	69,95	30,05
2013 йил	1456120	1091409	364711	74,95	25,05
4 йилда фарқи	-4878	162660	-167538	11,38	-11,38

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди

Маҳсулот сифатига таъсир этувчи яна бир муҳим омил бу ходимларнинг малакаси ва техник тайёргарлик даражаси, маҳсулот сифатига жавобгарлиги ва моддий рағбатлантириш ва бошқалар. Корхонада ишчи ходимларнинг маҳсулот сифатига жавобгарлиги ва моддий рағбатлантириш кўрсаткичларини қийматда ифодалаб бўлмаслиги сабабли уларнинг малакаси ва техник тайргарлик жадарасини таҳлил этиш орқали маҳсулот сифатига таъсирини аниқлаш мумкин. Корхонада ишчилар сони 2011 йилда 271 нафарни ташкил этиб 2013 йилда 13 тага қисқарган. Корхонанинг маҳсулот сифатига таъсир этувчи асосий омил ходимларнинг ўз мутахассислигига мослиги, уларнинг билим даражаси ва савияси ҳисобланади. Корхона 2011 йилда ишловчиларнинг ўз мутахассислигига мос бўлимларда ишловчилари 70,5 % ни ташкил этган ва 2013 йилда эса бу кўрсаткич 67,8 % ни ташкил этиб 2,7 %га ёки 16 нафарга қисқарган. Корхона ходимларини малакалилигини биз фақат уларнинг иш стажларига қараб белгилашимиз мумкин. Шунинг учун корхонада фаолият

юритаётган ишчиларнинг иш стажлари бўйича таҳлили ҳам 2011 йилда меҳнат стажи 5 йилдан ортиқ бўлган ишловчиларнинг жами ишчилардаги улуши 2011 йилда 67,5 %ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бў кўрсакич ишчилар сонини қисқариши ҳисобига 68,2 % га ошган. Бироқ асосий ишлаб чиқариш цехида ишловчи малакали ишчилар 2011 йилдаги 64,7 %да 2012 йилда 54,5 %га қисқарган. Бу эса 2-ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатига таъсир этмай қолмайди. 2.2.4-жадвал.

2.2.4-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖда саноат ишчиларининг касби бўйича таъминлашини ва иш стажи кўрсаткичлари таҳлили

бўлимлар	2011 йил			2013 йил			мутахассислигига мослик улуши		иш стажи 5 йилдан кўп бўлганлар сони	
	сон (киши)	мутахассислигига мослиги	иш стажи 5 йилдан кўп бўлганлар сони	сон (киши)	мутахассислигига мослиги	иш стажи 5 йилдан кўп бўлганлар сони	2011 йил	2013 йил	2011 йил	2013 йил
1-ишлаб чиқариш цехи	19	17	15	12	10	10	89,5	83,3	78,9	83,3
2-ишлаб чиқариш цехи	157	110	81	156	101	85	70,1	64,7	51,6	54,5
сифат назорати	3	2	3	3	2	3	66,7	66,7	100,0	100,0
ППЧ	12	10	12	12	10	12	83,3	83,3	100,0	100,0
қурилиш ва таъм	2	2	1	1	1	1	100,0	100,0	50,0	100,0
омбор хўжалик	2	2	1	3	3	1	100,0	100,0	50,0	33,3
қозонхона	5	5	5	4	4	4	100,0	100,0	100,0	100,0
ОГЕ	10	8	7	8	8	7	80,0	100,0	70,0	87,5
ОГМ	11	7	11	9	7	7	63,6	77,8	100,0	77,8
ОХО	4	4	4	4	4	4	100,0	100,0	100,0	100,0
ОВВК	8	2	8	7	2	7	25,0	28,6	100,0	100,0
АУП	38	22	35	39	23	35	57,9	59,0	92,1	89,7
жами	271	191	183	258	175	176	70,5	67,8	67,5	68,2

2.3. Корхоналарни иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари таҳлили ва ночорликка тушуши сабаблари.

Корхоналарнинг ночорликка тушиб қолиш сабабларини ўрганиш иқтисодий-молиявий ҳолатлари таҳлил натижаларига асосланади. Корхоналарнинг иқтисодий-молиявий ҳолати бу:

- Корхоналарнинг иқтисодий ресурслар мавжудлиги, ҳолати, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини;

- Корхона фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алақаларини;

- Корхоналарнинг мўътадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодаси;

- Корхоналарнинг бошқа хўжалик субъектлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларини ҳақиқий акс эттириш жараёнларидир.

Юқоридаги ҳолатларга баҳо бериш орқали корхоналарнинг бозор фаолияти таҳлил этилади ва уларга маркетинг нуқтаи назаридан хулосалар чиқариш орқали бозор имкониятларини ошириш режалари шакллантирилади.

Корхоналарнинг иқтисодий-молиявий ҳолатини таҳлил қилишда кўйидаги вазифаларни бажаришга йўналтириши керак:

- Корхоналарни бозор имкониятларини баҳолаш;
- Корхоналарнинг иқтисодий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш;

- Корхоналарнинг молиявий ҳолатларини ўзгаришларига баҳо бериш;
- Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва мустаҳкамлигига баҳо бериш;

- Корхонадаги иқтисодий ҳолатига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит имкониятларини ва шарт-шароитларини, кучли ва кузсиз томонларини таҳлил этиш;

Айниқса корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, фойда ва зарарлар, турли хил ҳисоб китоблар, бозор имкониятлари ва уни ошириш омилларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий ночор корхоналарнинг бозор имкониятларини таҳлили қилиш уларнинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар тизимини ва уларни бартараф этиш орқали имкониятларини ошириш йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилиши лозим.

Шунинг учун корхоналарда аввало молиявий барқарорлик даражалари таҳлил қилинади.

Корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичлари бўлиб қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Рақобат шароитида корхоналарни сақланиб қолиш имкониятлари;
- Ишлаб чиқариш тўхтамасдан маҳсулот сотиш имкониятлари мавжудлиги;
- Корхона ўз маблағларидан эркин фойдаланиш имкониятлари;
- Корхона фаолиятининг умумий мустаҳкамлиги;
- Корхонанинг бошқаруви самарали ташкил этилганлиги;
- Корхонадаги мавжуд молиявий ресурслари рақобат талабларига тўлиқ жавоб беришлиги;
- Корхонанинг ривожланишига таъсир этувчи ташқи муҳит омилларини мавжудлиги;

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда корхонанинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- Корхонада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги;
- Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- Ишлаб чиқаришни бошқариш;
- Корхонанинг устав жамғармасини шаклланиши;
- Корхона ҳаражатлари ва уларнинг таркиби ва даромадларининг мувофиқлиги ва нисбати;
- Корхонанинг шартномавий мажбуриятлари ва уларни бажариш имкониятлари;

Корхоналар ўз фаолияти давомида бозор субъектлари билан иқтисодий алоқаларда бўлар экан, корхоналар молиявий барқарорлигига ташқи омиллар ҳам таъсир этади ва улар қуйидагилар:

- Корхонанинг товарлар бозори ҳолати;
- Корхонанинг экспорт ва импорт алоқалари;

- Корхоналарнинг бошқа бозор субъектлари билан алоқадорлик натижалари;

- Давлат ва мамлакатдаги инфратузилма ташкилотлари билан муносабатлари;

- Хуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий, солиқ ва бошқалар;

- Бозор конъюктурасининг ўзгариши ва бошқалар;

Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги уларнинг бухгалтерия ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобатларда акс эттирилган маълумотлар асосида таҳлил қилинади.

«Нотўқимачи» ОАЖнинг молиявий барқарорлигини қуйидаги кўрсаткичларни таққослаш орқали баҳо берилади:

- Молиявий мустақиллик коэффиценти;

- Тўлов қобилияти коэффиценти;

- Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат;

- Захира ва ҳаражатларни ўз маблағлари билан қопланганлик коэффиценти;

- Маблағларни чакқон ҳаракатчанлиги коэффиценти;

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун қуйидаги 2.3.1-жадвални тузамиз.

А- корхонанинг молиявий мустақиллик коэффиценти 2012 йилда 3,24 коэффицентга ўсган бўлса, 2013 йилда атига 0,01 коэффицент ўсган;

Б – корхонанинг тўлов қобилияти коэффиценти эса 2012 йилда -0,08 коэффицентга қисқарган бўлса, 2013 йилда 0,04 % ўсишга эришган;

С- корхонанинг қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффиценти 2012 йилда 0,4ни ташкил этиб, 2013 йилда ўз маблағларига нисбатан қарзлари -0,07 коэффицентга ортган;

Д- корхонанинг захира ва ҳаражатларни ўз маблағлари билан қопланганлик коэффиценти 2012 йилда 0,56 коэффицент ўсган бўлса, 2013 йилда -0,99 коэффицент қисқарган;

Е- Маблағларни чаққон ҳаракатчанлиги каэффиценти 2012 йилда 1,29 коэффицент ўсган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 1,19 коэффицент ёки 119 %га ўсганлигини маълум бўлди.

2,3,1-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖнинг молиявий коэффицентлар таҳлили

Минг сўм

Кўрсаткичлар	2012 йил			2013 йил		
	йил бошига	йил охирига	ўзгариши	йил бошига	йил охирига	ўзгариши
ўз маблағларининг манбалари	2753735	2812811		2824488	2832723	
баланс жами	6407468	765734		7669211	7486866	
А	0,43	3,67	3,24	0,37	0,38	0,01
жорий активлар	5639850	7081052		7081052	6971008	
мажбуриятлар	3653733	4844723		4844723	4654143	
Б	1,54	1,46	-0,08	1,46	1,50	0,04
мажбуриятлар	3653733	4844723		4844723	4654143	
ўз маблағларининг манбалари	2753735	2812811		2824488	2832723	
С	1,33	1,72	0,40	1,72	1,64	-0,07
ўз маблағларининг манбалари +узоқ муддатли мажбуриятлар +узоқ муддатли активлар	1986117	5660398		5660398	2316865	
товар моддий захиралар	1945857	3571784		3571784	3914174	
Д	1,02	1,58	0,56	1,58	0,59	-0,99
ўз маблағларининг манбалари +узоқ муддатли мажбуриятлар +узоқ муддатли активлар	1986117	5660398		5660398	2316865	
ўз маблағларининг манбалари	2753735	2812811		2824488	2832723	
Е	0,72	2,01	1,29	2,00	0,82	-1,19

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди.

Мазкур коэффицентларнинг бундай ўзгариши айниқса 2013 йилдаги ўзгариш ҳолатлари корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Корхонанинг тўлов қобилияти деганда муддати келган тўлов мажбуриятларини етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади. Биз «Нотўқимачи» ОАЖнинг тўлов тўлов қобилиятини таҳлил қилиш орқали унинг тўловга лаёқатлигини аниқлаймиз.

2.3.2-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖнинг тўлов қобилияти таҳлили

Минг сўм							
Тўлаш учун маблағлар	сатр рақами	2012 йил охирига	2013 йил	Тўлов қарзлари	сатр рақами	2012 йил охири	2013 йил
Пул маблағлари	330-340	-476	-476	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўловлар	610	1420654	167758
валюта маблағлари	350	0	0	бюджетга тўловлар бўйича қарзлар	680	67247	1960371
қисқа муддатли инвестициялар	360-380	0	0	солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қарзлар	650	0	0
тайёр маҳсулот	170	1318941	2075985	мулкӣ ва шахсий сугурта бўйича қарзлар	700	2097416	2097416
				мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	690	0	0
дибиторлик қарзлари	210	3508792	3056532	меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	720	46681	46681
				қисқа муддатли кредит ва қазлар	730-740	0	0
				бошқа жорий мажбуриятлар	-		
Жами тўлаш учун маблағлар		4827257	5132041	Жами тўлов қарзлари		3631998	4272226
Қарз тўлов мажбуриятлари қўплари				Тўлов қарзларидан тўлов маблағларининг ортиқчалиги		1195259	859815
Баланс		4827257	5132041	Баланс		4827257	5132041

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди.

2.3.2-жадвал маълумотларидан кўринадик, биз таҳлил қилаётган «Нотўқимачи» ОАЖнинг 2012 йилдаги даврдаги ҳолати тўловга қодир. Сабаби, корхонанинг тўлов лаёқатлилиги балансида тўлов қарзларидан тўлов маблағларининг ортиқчалиги аниқланди. Бироқ, 2013 йилда салбий ҳолатни кузатиши мумкин, сабаби 2013 йилда корхонанинг тўловга лаёқатлилиги 2012 йилга нисбатан кескин қисқарган. Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари орасидаги фарқнинг қисқариши корхонанинг тўловга лаёқатлилиги ҳолати юзага келиши мумкинлигини асослайди. Айниқса, корхонада 2012-2013 йилда тайёр маҳсулотнинг қиймати орқали тўловга лаёқатлилиги сақланиб турибди. Бу эса корхонада мавжуд захира товарларнинг йиғилиб қолиши ҳолатидан далолат беради. Корхонада захира товарларини сотиш муаммоси мавжуд бўлиб унга таъсир этувчи ташқи муҳит омилларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам корхона ўзининг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни самарали йўлга қўйиш, товар сотиш жараёнларида янги стратегияларни амалга ошириш, молиявий маблағларнинг айланиш коэффицентини тезлаштириш учун эса сотишнинг замонавий усуллари қўллаш керак деб ҳисоблаймиз.

Корхонанинг иқтисодий ҳолатига баҳо беришда корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси ва унинг ўзгаришини омиллари таҳлил қилинади. Шунга кўра, «Нотўқимачи» ОАЖнинг маҳсулот сотишга таъсир этувчи омилларни 2.3.3-жадвалда таҳлил қиламиз.

2.3.3-жадвал маълумотларидан кўринадик корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдаси кескин паслаган, агар олдинги нархда маҳсулот бирлиги нархи билан таққосланганда ҳам бу фақат ишлаб чиқаришни қисқарганлигидан далолат беради, сабаби олдинги йилги нархларда ҳисобланганда ҳам ядпи фойда олиш даражасида юқори натижа йўқ.

2.3.3-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖнинг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили

кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил 2012 йил таннархида	2013 йил
маҳсулот сотишдан олинган тушган тушум	минг сўм	6113305	5952151	6272987
сотилган маҳсулот таннархи	минг сўм	5147473	5855124	6264801
маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	минг сўм	965832	97027	8186

Манба: “Нотўқимачи” ОАЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди.

Корхонанинг иқтисодий – молиявий кўрсаткичлари таҳлили кўпинча корхона фойдасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга баҳо бериш орқали амалга оширилади ва барча кўрсаткичлари ана шу кўрсаткични йиллар давомида ижобий ўзгариши сари ҳаракат қилади.

Корхонанинг соф фойдасини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- Маҳсулотларнинг сотиш ҳажмини ўзгариши (маркетинг самарадорлиги);
- Корхона маҳсулотлари баҳосининг ўсиши;
- Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўзгариши;
- Давр ҳаражатларининг ўзгариши;
- Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарларнинг ўзгариши;
- Фовкулотла фойда ва зараалар;
- Солиқлар ва уларнинг ўзгариш;

Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	фарқи (+/-)
махсулот сотишдан олинган ялпи фойда	минг сўм	965832	8186	-957646
давр харажатлари	минг сўм	912898	996967	84069
асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан йўқотиш ва даромадлари	минг сўм	105019	84329	-20690
молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	минг сўм	11588	7924	-3664
фавқулотда фойда ва зарарлар	минг сўм	0	0	0
фодадан солиқ ҳамда ажратмалар	минг сўм	8037	5212	-2825
соф фойда	минг сўм	92426	59935	-32491

2.3.4-жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки «Нотўқимачи» ОАЖда соф фойда хажми 2013 йилда 32491 минг сўмга камайган. Унинг ўзгаришига ҳар бир кўрсаткичнинг таъсирини фарқ каторига қараб баҳолаш мумкин. Соф фойданинг камайишига асосан давр харажатларининг ошганлиги ҳамда молиявий фаолиятдан олинган фойданинг камайиши таъсир этган. Давр харажатлари 2012 йилда 912898 минг сўмни ташкил этиб 2013 йилда бошқарув харажатлари ва хом-ашё сифатини белгиланган даражада эмаслиги натижасида 84069 минг ортиқча харажат қилинган. Бироқ корхона ўз маблағларини асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларида тежамкорликни кучайтириш натижасида 20690 минг сўм тежалган. Молиявий фаолиятнинг фойдаси ҳам 2012 йилга нисбатан 3664 минг сўмга камайган. Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини 2012 йилга нисбатан камайганлиги натижасида солиқлар ва йиғимлар 2825 минг сўмга камайган. Мана шу омиларнинг ҳисобига

корхона 2012 йилда 92426 минг сўм соф фойда олган бўлса, 2013 йилда 59935 минг сўм фойда олиб 2012 йилга нисбатан 32491 минг сўмга камайган.

Ночор корхоналарнинг иқтисодий-молиявий кўрсаткичларига баҳо беришда корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари ҳам тахлили ўтказилади.

Рентабеллик – корхонанинг фойдалилик даражасини ифодалайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқлаш мумкин.

«Нотўқимачи» ОАЖ нинг қуйидаги кўрсаткичлар бўйича рентабеллигини аниқлаймиз:

1. Ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан рентабеллик;
2. Асосий воситалар рентабеллиги;
3. Сотиш бўйича рентабеллик;
4. Айланма активлар рентабеллиги;
5. Жами мулк рентабеллиги;
6. Ўз маблағлари рентабеллиги;
7. Асосий воситалар ва моддий айланма маблағлар рентабеллиги;

Юқоридагиларни таҳлил этиш учун 2.3.5-жадвални тузамиз.

2.3.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики «Нотўқимачи» ОАЖ да 2013 йилда 2012 йилга нисбатан барча рентабеллик кўрсаткичлари бўйича пасайиш кузатилган. Бу шундан далолат бермоқдаки, корхонанинг самарадорлиги пасайиб бораётганлигидан ҳамда унинг иқтисодий аҳволи ёмонлашаётганлигидан далолатдир. Корхонада 2012 йилга нисбатан соф фойданинг 2013 йилда 32491 минг сўмга қисқариши барча рентабеллик кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлган. Корхонада фақатгина асосий воситалар рентабеллигининг ўсиши кузатилган. Бунинг асосий сабаби корхонада асосий воситаларга киритилган инвестициялар йўқлиги ва унинг асосий воситаларнинг умумий миқдорини ўзгармаганлигидир.

Бундан хулоса қилганда корхона ўзининг нафақат қўшимча имкониятларидан балки мавжуд имкониятлардан ҳам фойдалана олмаяпти. Корхонани бундай ҳолати унинг банкротлик аломатларини мавжудлигини асослайди. Шунинг учун корхонани умумий таҳлиллар ва хулосалар асосида соғломлаштириш чораларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2.3.5-жадвал

«Нотўқимачи» ОАЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили

кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	фарқи (+/-)
махсулот сотишдан олинган соф тушум	минг сўм	6113305	6272987	159682
сотилган махсулотларни ишлаб чиқариш таннари	минг сўм	5147473	6264801	1117328
махсулотлар сотишдан олинган ялпи фойда	минг сўм	965832	8186	-957646
соф фойда	минг сўм	92426	59935	-32491
асосий воситаларининг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	14566120	1456120	-13110000
оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	7669211	7486866	-182345
корхонанинг жами мулки	минг сўм	7669211	7486866	-182345
ўз маблағлари манбаи	минг сўм	2824488	2832723	8235
қарз маблағлари	минг сўм	3508792	3056532	-452260
махсулот сотиш рентабеллиги	%	15,80	0,13	-15,67
асосий воситалар рентабеллиги	%	0,63	4,12	3,48
оборот маблағлари рентабеллиги	%	1,21	0,80	-0,40
ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги	%	1,80	0,96	-0,84
ўз маблағлари рентабеллиги	%	3,27	2,12	-1,16
Мол-мулк рентабеллиги	%	1,21	0,80	-0,40
Умумий рентабеллик	%	1,51	0,96	-0,56
қарз маблағлари рентабеллиги	%	2,6р.	2,0р.	-0,673243469

III боб. Корхоналарнинг бозор фаолиятини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш.

3.1. Корхоналарни модернизация ва фаолиятини диверсификация қилиш.

Бугунги кунда модернизация жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабхаларини қамраб олган. Айниқса иқтисодий ҳаётимизни модернизациялаш бу йўналишда муҳим ўрин тутмоқда.

“Модернизация” - тушунчаси ҳам иқтисодий адабиётларда жуда кўп учрайдиган атамалардан бирига айланди.

Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодий ҳаётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: **«Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»¹.**

Бизнинг фикримизча, оддийроқ қилиб **“модернизациялаш”** атамасининг ҳозирги иқтисодий шароитида бозордаги ўзгаришларга мослашиш мақсадида корхонани “янгилаш”, “замонавийлаштириш”, “илғор андозалар асосида такомиллаштириш” деб тушунилса тўғри бўлади.

Илмий талқинда эса **“модернизация”** – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушунишда иқтисодчи олим Р. Нуреев унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини фарқлайди. Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга ҳусусий мулкчилик ва

¹ <http://ekonomic.doco.ru/?id=797665467>.

демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан, хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжаликнинг замонавий тармоқларининг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади¹.

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан индустриаллашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўлароқ «замонавий очик тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи индустриялаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Маркетинг нуқтаи назаридан “модернизация” корхона ишлаб чиқариш фаолиятини барча жабҳаларини замонавий-рақобатли бозорга мослаштиришни англатади. Модернизация жараёнлари мамлакат иқтисодий қудратини ошириш, ички ва ташқи бозорларда миллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, экспорт ҳажминини барқарор ўстириш имкониятларини янги босқичга кўтариш омили ҳисобланади.

Диверсификация эса - маркетинг стратегияси бўлиб, корхоналар ишлаб чиқариш маҳсулотлари турларининг кўпайиши ва фаолиятининг кенгайиши билан боғлиқ капитал концентрациялашувининг шакли. Баъзи ҳолларда диверсификация

¹ Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru/n/2005/10/c/6>.

ихтисослаштирилган фирмаларнинг(саноат, транспорт, қурилиш, молия ва ҳ.к) бошқа тармоқларга кириб бориши ва кенгайишини билдиради. Диверсификация натижасида кўп тармоқли компаниялар вужудга келади ва турли-туман товарлар ишлаб чиқарилади ва хизматлар бажаради. Шунингдек, илмий кузатишлар олиб боради ва тадқиқотлар ўтказилади¹.

Диверсификация стратегияси шунчаки товарларни табақалаштириш эмас, балки мутлоқо янги ва соҳа фирмаси фаолиятининг асосий турларига боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини ҳам ҳисобга олганда янги товарлар ишлаб чиқариш ва янги бозорларни ўзлаштириш жараёнларини ўзида ифодалайди.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялашда – капитал бир-бирига боғлиқ бўлмаган турли янги соҳаларга жойлаштирилади ва бозордаги талабга мувофиқ товарлар ҳамда хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Диверсификация турли шаклларда амалга оширилиши мумкин: бир пайтда турли кўринишдаги товарлар ишлаб чиқариш ва турли хилдаги истеъмолчиларни жалб этишни ёки савдо ва сотишнинг турли шаклларида фойдаланиш ёки маблағларни ғоят турли иқтисодий тармоқларига йўналтириш. Диверсификациянинг асосий хавфи – кучларнинг сочилиб кетиши.

Наманган вилоятида иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва фаолиятини диверсификациялаш жараёнларида бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб улар амалга оширилаётган кенг кўламли дастурларни амалга оширилишида номоён бўлмоқда.

Наманган вилоятида 2008-2012 йиллар давомида 264 та иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 237 та корхонага 116,6 млрд сўмлик инвестициялар киритилди. Натижада 337,9

¹ А.Солиев. Маркетинг. “Арт-флекс” Т., 2008 йил 208-б

млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва қўшимча 5775 та янги иш ўринлари яратилиб, уларда экспорт амалиёти 170 млн АҚШ доллорини ташкил этди. (3.1.1-жадвал)

3.1.1-жадвал

2008-2012 йилларда Наманган вилоятида иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар бўйича ишлаб чиқилган Молиявий соғломлаштириш ва модернизациялаш тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Йиллар	Корхоналар сони			Ишлаб чиқариш ҳажми (млн. сўм)	Киритилган инвестиция (млн. сўм)	Яратилган ишчилар сони	Экспорт ҳажми (минг АҚШ доллари)
		Жами	Шундан					
			Ижобий натижа кузатилганлари					
			Сони	Фоизда				
4	2008 йил	43	37	86%	7106,9	4231	1321	
5	2009 йил	27	23	85,2%	24618,7	428,0	730	
6	2010 йил	40	35	87,5%	84129,7	14220,2	782	236
7	2011 йил	40	36	90,0%	100423,2	10144,3	531	0
8	2012 йил	114	106	93,0%	121584,1	87537,4	2411	6708,8
	Жами	264	237	89,8%	337862,6	116560,6	5775	6944,8

Манба: Хусусийлаштириш, манаполиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Жумладан, «Нам Текс» МЧЖда амалга оширилган модернизациялаш дастурлари натижасида Германиянинг “Трючлер” фирмасидан тараш машиналарига 48,7 минг Евролик аррасимон ленталар, Австриянинг “Хабасит” фирмасидан 43,0 минг Евролик текис ва тишлик қайишлар олиб келинди ва ўрнатилди. Бундан ташқари Хиндистоннинг “Римтекс” фирмаси билан 54,2 минг АҚШ долларлик корхона йигирув дастгоҳларига эҳтиёт қисмлар ва Хитойнинг “Донхинг” фирмаси билан 80,0 минг АҚШ долларлик калава ипни қаватлаб ўраш дастгоҳларини сотиб олиб келиниб ўрнатилмоқда. Шунингдек, Италиянинг Марзоли компанияси билан корхона тайёрлов бўлимини модернизация қилиш бўйича 1249 минг Евролик шартнома имзоланган. Хитойнинг ЧИНА

ТЕКМАТЕК компанияси билан корхонага янги йигирув дастгоҳларини сотиб олиш бўйича 512 минг АҚШ долларлик шартномалар имзоланиб бажарилди. Натижада корхона 2012 йилда 1920,0 млн. сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган, 322 та ишчи хизматчилар фаолият олиб борган.

Уйчи туманидаги банкротлик тамойили қўлланган «Уйчи йигирув-тўқув» ОАЖ ўрнида ташкил этилган «Кап Текс» МЧЖнинг соғломлаштириш дастурлари доирасида 5,4 млрд. Сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва 100% экспортга чиқариш ва 360 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, 2012 йилда корхона томонидан 2716,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 318 минг АҚШ долл. маҳсулот экспорт қилинган ва 114 нафар янги иш ўринлари яратилган.

Ҳар йили амалга ошириладиган соғломлаштириш дастурларини кўлами кенгаймоқда. 2013-2014 йилларда жами **117,4 млрд.сўмлик** лойиҳалар амалга ошириш, шундан **57,4 млрд.сўм** миқдорида **банк кредитларини** жалб қилиш ва **60,0 млрд.сўм** корхона ўз **маблаглари** ва таъсисчилари томонидан амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, маҳсулот **ишлаб чиқариш ҳажми 166,3 млрд.сўмни**, лойиҳаларни ишга тушириш натижасида эса **5757 та янги иш ўринлари яратиш** ва қайта тиклаш режалаштирилган.

Ушбу дастур 50 та фаолият кўрсатмаётган, 171 та кам қувватда ишлаётган, 174 та қурилиши тугалланмаган ҳамда 395 та бўш турган корхона ва объектлар рўйхатини ўз ичига қамраб олган. Дастурга киритилган лойиҳаларнинг 129 таси енгилсаноат, 100 таси озиқ-овқат маҳсулотлари, 82 таси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 436 таси хизмат кўрсатиш ҳамда 43 таси бошқа соҳаларга тўғри келади.

Дастурдаги корхона ва объектлардан 2013 йил мобайнида ишга туширилиши режалаштирилган **775 та** корхона ва объектлардан **773 таси** ишга тушди, **215 та** корхоналарга жами ажратилиши лозим бўлган **55,9 млрд.сўмдан** ортиқ банк кредитлари (*режага нисбатан 108%*) ажратилди

ва корхоналар томонидан **61,5** млрд.сўмдан ортиқ (*режага нисбатан 107 %*) ўз маблағларидан инвестициялар киритилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **174,8** млрд.сўмни (*режага нисбатан 111 %*) ташкил этиб, шундан **6981** минг АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, мазкур корхоналарда **5551** та (*режага нисбатан 103 %*) янги иш ўринлари яратилди ва қайта тиклашга эришилди.

2014 йилга мўлжалланган молиявий соғломлаштириш ҳудудий дастурлар доирасида эса жами 247 та модернизациялаш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб уларнинг 38 таси енгил саноат тармоғига тўғри келади. Дастурларни бажариш учун жами **68287** млн сўм **инвестициялар киритилиши режалаштирилиб** уларнинг 12900 млн сўми енгил саноат тармоғига тўғри келади. Дастурларни амалга оширилиши натижасида вилоятнинг экспорт салоҳияти 3200 минг АҚШ доллорига оширилиб, саноатда қўшимча 3000 га яқин иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган(3.1.2-жадвал).

3.1.2-жадвал

Наманган вилоятида кам қувватли, фаолиятсиз корхоналар ва бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича 2014 йилга мўлжалланган молиявий соғломлаштириш ҳудудий дастурларининг тармоқлар кесимидаги умумий кўрсаткичлари

№	Тармоқлар	Дастурларга киритилган жами корхоналар сони	Прогноз кўрсаткичлари				
			Жами киритиладиган инвестициялар ҳажми (млн сўм)	Шу жумладан банк кредити (млн сўм)	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат) ҳажмлари (млн сўм)	Шу жумладан экспорт (минг АҚШ доллари)	Яратилади-ган янги иш ўринлари (киши)
1	Енгил саноат	38	12900	8693	28370	3050	743
2	Озиқ овқат саноати	37	15652	10171	11060		396
3	Қурилиш материаллари саноати	34	5806	3089	7755		408
4	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш	6	1310	533	1090	150	51
5	Бошқа саноат соҳалари	22	11674	1230	13290		328
6	Хизмат кўрсатиш соҳаси	110	20945	6502	5430		928
Жами		247	68287	30218	66995	3200	2854

2014 йилда иқтисодий ночор корхоналарни модернизациялаш ва фаолиятини диверсификацилаш йўналишида Президентимиз ташаббуси билан янгича “иқтисодий ночор” ва “зарар билан ишлаётган” ҳар бир корхонани инқироз ҳолатидан чиқаришга йўналтирилган дастурлар – “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш” белгиланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вахирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 апрелда 791 сонли “иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий инқироздан ва банкротликдан чиқариш дастури – “йўл хариталари” лойиҳаси тўғрисидаги” фармойиши қабул қилинди.

Вилоятимиздаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий инқироздан ва банкротликдан чиқариш дастури – “йўл хариталари” лойиҳалари доирасида 9 та (енгил саноат йўналишида 4 та "МРТ текстил" МЧЖ шаклидаги ҚК, "Нам текс" МЧЖ, "Кап текс" МЧЖ, "Нотўқимачи" ОАЖ), (Ўзбекнефтгаз йўналишида 1 та "Узрубериод" МЧЖ), (Коммунал хўжалиги йўналишида 2 та "Сувоқава" давлат корхонаси, "Иссиқлик манбаи" ИЧБ), (Узавтойўл йўналишида 1 та "Наманган кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонаси"), (Бошқа соҳага тегишли 1 та "Наманган йўловчи ташиш" ДУК) корхоналар киритилди (1 ва 2-илова).

“Йўл ҳаритаси” лойиҳаси дастурида корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш йўналишлари ва уларнинг ночорликка тушуб қолиш сабабларини тўла ўрганилиб модернизациялаш йўналишлари ва мақсадлари белгилаб берилди.

2013 йил давомида Наманган вилоятда иқтисодий ночор корхоналар билан ишлаш соҳасида асосий йўналиш қуйидагилардан иборат бўлди:

- фаолият кўрсатмаётган ёки кам қувватларда ишлаётган корхоналар бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш, яъни ушбу корхоналарнинг таъсисчилари томонидан уларнинг бизнес-режа асосида ишлатиш, мулкдорлари томонидан сотишга розилик берилган корхоналарни янги инвесторларга сотиш, истиқболсиз корхоналарга

нисбатан банкротлик таомилларини қўллаш орқали молиявий соғломлаштириш;

- иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб бориш;

- инвестиция мажбуриятлари эвазига корхона ва объектларни янги инвесторларга бепул бериш;

- банкрот деб топилган корхоналарда тугатиш жараёнларини самарали олиб бориш ҳамда давлат ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда йирик банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари шароитида банкротликнинг вужудга келиш сабаблари ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари серқирра бўлиб, уларни тартибга солишда банкротлик механизмининг оқилона шакл ва меъёрларининг амалиётга жорий этилиши мамлакатда иқтисодий мувозанатни таъминлабгина қолмай, балки жамиятнинг тараққий этишига ва аҳолининг турмуш даражасини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бугунги кунда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг ҳали якунига етмаганлиги, кўпгина корхоналарнинг иқтисодий ҳолатининг қониқарсизлиги, корхоналар тараққиётини башоратлашда ахборот базасининг етарли эмаслиги, юқори малакали мутахассисларнинг камлигидадир. Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган саноат тармоғида етакчи кучга айланган енгил саноатнинг ривожланиши ва истиқболлини белгилашга сезиларли салбий таъсир қилади. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, енгил саноат корхоналарини ташкил топиши ва ривожланиши бир қатор иқтисодий, ташкилий, техник ҳамда молиявий муаммоларнинг қай тарзда ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш моддий ёки молиявий ресурслардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли

молиявий маблағларнинг етишмаслиги ёки оқилона тарзда ишлатилмаслиги хўжаликдаги муаммоларни ҳал этилишини мураккаблаштиради.

Бугунги кунда республикамизнинг иқтисодиёти учун корхоналари фаолиятини доимий тартибда давлат томонидан тартибга солиб турилиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этилишидаги ўрнини тасаввур этиш қийин эмас. Албатта, бу жараён хўжаликларни иқтисодий эркинликларини чекламаган ҳолда ва ички ишларига аралашмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Корхоналар иқтисодий диагностикасини олиб боришни доимий тарзда ташкил этилиши орқали қуйидаги муаммоларни ҳал этилишига эришиш мумкин:

- миллий иқтисодиётда ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг натижаларини аниқлаш;
- корхона ва хўжаликлар ривожланишида муҳим бўлган омилларни аниқлаш;
- корхоналар фаолиятини самарадорлиги ошириш учун хизмат қилувчи заҳиралар ва имкониятларни очиб бериш ва ишга солиш;
- корхоналарнинг йиллик рейтингини аниқлашга суянган ҳолда юқори рейтингга эга бўлганларининг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

Макродаражада корхоналарга яратилган бизнес муҳитни диагностикасини олиб бориш маъсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелда **“Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чорақда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.** Қарорни амалга ошириш 2012 йил 1 июлдан бошлаб жорий этилди.

Қарорда ҳудудлар кесимида ишбилармонлик муҳитининг ҳолатини баҳолаш учун ҳар бир минтақада тадбиркорлик субъектларини репрезентатив танлаш асосида ҳар чоракда сўров ўтказилишини таъминлаш ва унинг натижалари асосида тегишли дастурлани қабул қилиш вазифалари ҳам белгиланган. Мамлакатимиздаги бизнес муҳитини баҳолаш индикаторлари қуйидаги кўрсаткилар орқали баҳолаш методикаси ҳам ишлаб чиқилди:

- Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мувозанатлилик индикаторлари;
- Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш даражаси индикаторлари;
- Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражаси индекслари;
- Ишбилармонлик муҳити ҳолатининг индекси;
- Иқтисодиётнинг ҳусусий секторини ривожлантириш индикаторлари;
- Молия-банк секторини ривожлантириш индикаторлари;
- Минтақани ижтимоий ривожлантириш индикаторлари;

Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиз ҳудудларида яратилаётган бизнес муҳити 2013 йил якуни билан баҳоланди ва унда Наманган вилояти қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди.

Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ва ишбилармонлик муҳитини ҳар чоракда баҳолаш индикаторларини тизимини натижалари бўйича Наманган вилояти 2011 йилда 2,86 балл билан 10 ўринда турган бўлса, 2012 йилда 2,90 балл билан 6 ўринга кўтарилди. 2013 йилда эса 2,99 балл билан 4 ўринга чиқди (5-иловада).

- 1-йўналиш бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги яъни ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати бўйича 3,04 балл билан баҳоланди.

- 2-йўналиш бўйича иқтисодийни модернизация қилиш, модернизация ва диверсификациялаш бўйича 2,26 балл билан баҳоланди.

- 3-йўналиш бўйича ишбилармон муҳитини шакллантириш индексини акс эттирувчи рақобат муҳитини ривожлантириш индекси бўйича 2,55 балл ҳамда ишбилармонлик муҳити индекси бўйича 2,71 балл билан баҳоланди.

- 4-йўналиш бўйича иқтисодийда хусусий секторни ривожлантириш бўйича юқори 3,56 баҳо билан баҳоланди.

- 5-йўналиш бўйича молия-банк секторини ривожлантиришда вилоят юқори ёки 3,81 балл билан баҳоланди.

- 6-йўналиш бўйича ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш индикатори бўйича 2,98 балл билан баҳоланди.

Вилоят 2011 йил якунида Республикада 10-ўриндан 2013 йилда 4-ўринга кўтарилган бўлса, 2013 йилнинг 9 ойлик якуни билан вилоят 3,05 балл билан Республикада 3-ўринни эгаллаган бўлса, йил якунида кўрсаткич 0,06 баллга камайиши натижасида 4-ўринга тушиб қолди.

Бу кўрсаткич қуйидаги йўналишларнинг ҳисобига кузатилган:

1. 2-йўналиш бўйича иқтисодийни модернизация қилиш, модернизация ва диверсификациялашда 9 ойлик кўрсаткичидан -0,38 балл (9 ойликда 2,64) камайиши, бунда асосан ЯХМ таркибидаги экспортнинг улуши 5,2 фоиздан 4,3 фоизга тушган;

2. 3-йўналиш бўйича ишбилармон муҳитини шакллантириш индексини акс эттирувчи рақобат муҳитини ривожлантириш индексида - 0,25 балл (2,80), камайган бунда банкротлик ҳолати 91,0 фоиздан 115,0 фоизга ортган ҳамда ишбилармонлик муҳити индексида -0,1 баллга камайиш кузатилган.

Мазкур баҳолаш тизимидан келиб чиқиб, вилоятда ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини аниқлаш мақсадида 2013 йил якуни билан ҳудудлар кесимида иқтисодий

фаоллик индикаторлари, рақобат муҳитини ривожлантириш индекси ҳамда иқтисодийнинг хусусий секторини ривожлантириш индикаторлари ҳисобланди.

Йўналишлар бўйича 9,9 балл билан Поп тумани 1-ўрин, 9,8 балл билан Янгиқўрғон тумани 2-ўрин ва 9,6 балл билан Норин тумани 3-ўринни эгаллади. Шу билан бирга, 9,4-8,0 балл билан Чуст, Чортоқ, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи туманлари эгаллаган бўлса, 7,8-7,5 балл билан Наманган шаҳри, Учқўрғон ва Мингбулоқ туманлари охириги ўринларни ёки қолган туманларга нисбатан ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича паст даражада турмоқда (иловада).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳудудлар бўйича келтириб ўтилган паст ўринларни эгалланган туманларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини яхшилаш мақсадида мавжуд имкониятлар ва заҳиралардан тўла фойдаланган ҳолда аниқ чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбуни маълумот учун ҳамда рейтинг ўринлари паст даражада турган ҳудудлар ҳокимликларига қатъий чоралар кўрилишини сўраб киритилмоқда.

3.2. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг хориж тажрибаси.

Дунё мамлакатларида 2008 йилдан буён давом этаётган молиявий инқироз натижасида барча мамлакатларда саноат корхоналарини унинг таъсиридан сақлаш масаласи иқтисодий – ижтимоий ривожланишнинг бош меъзонларига айланиб қолди.

Хориж амалиётида корхоналарнинг инқироздан сақлаш ва олиб чиқиш масалаларини ечиш ички ва ташқи омиллар таъсири билан белгиланади ва уларга қараб ҳулосалар чиқарилади.

Инқирозни келтириб чиқарувчи ташқи омилларни асосан жаҳон бозорларидаги конъюктурани кескин ўзгаришлари, юқори ўзгаришларга мослашиш қобиятларининг пастлаб бориши, мамалакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни чекланиши, хом-ашё нархларини кескин ошиб бориши каби омиллар билан боғлайди ва уларни бартараф этиш чораларини белгилайди.

Корхоналар инқирозини келтириб чиқарувси ички омиллар қаторида маркетинг стратегияларини тўғри ишлаб чиқилмаганлиги, истеъмол бозорлари тадқиқ этилмаганлиги, меҳнат ресурсларига бўлган мативацияни йўқлиги, инновациаларни самарасиз эканлиги билан боғлиқлигини кўрсатилган.

Корхоналар фаолиятини соғломлаштириш йўналишлари бир нечта босқичдан иборат бўлади ва улар орқали мамлакатларда корхоналарни соғломлаштириш дастурлари тузилиб бажариш бўйича чоралар кўрилади.

Корхоналарни соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар инглиз тилида “crisis managment” яъни “инқироз менежменти” ёки “инқирозни бошқариш” деб юритилади. “Crisis managment” хорижий тилларда жуда кўплаб учрайдиган бошқа терминларда ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан АҚШда “turnaround managment” ёки оддий “turnaround” (айланма ҳаракат), “reorganization” (қайта қуриш), “restructuring” (реструктуризация), “sanation” (санация), “workout” (ўзбек тилига таржимаси “ишдан ташқари” деган маънони беради, бироқ бизда бу йўналиш “ташқи бошқарув” жараёнини ифодалайди).

Барча ривожланган мамлакатларда корхона инқирозига сабаб бўлувчи восита сифатида маҳсулотларини бозорда сотишни ташкил эта олмасликларида деб билади.

Барча мамлакатларда иқтисодий ночор корхоналарни соғламлаштириш бўйича катта тажрибалар тўпланган.

АҚШда корхоналарни соғламлаштириш тадбирлари бошқа мамлакатларга нисбатан ўзгача ҳисобланади ва қарздор корхоналарнинг барчасига нисбатан банкротлик таомили қўлланади. Банкротлик таомилларни қўллаш федерал қонунчилик асосида амалга оширилади. АҚШда ҳар йили 1,3 млн. жисмоний шахслар банкротлик ҳолатларидан зарар кўради. Бу статистика ҳар бир америкаликнинг 4 тасидан биттаси ўз ҳаётида банкротликка тушади. Корхонларнинг қарздолик ҳолатларига тушишидан олдин уларнинг аниқ меъзонлари асосида аломатларига аниқланган тақдирда корхонага нисбатан барча ҳисоб китоблар тўхталади ва банкротлик кодексларига асосан кредиторларга қайтарилади. Бу амалиёт АҚШда “automaticall stopped” “автоматик тўхтатиш” номи билан аталади. АҚШда қарздор ва тўловга лаёқати йўқ корхонларга “автоматик тўхташ” жорий этилганида агар федерал суд уда банкротликдан чиқиш аломатларини аниқлаган тақдирда 4 ойлик соғломлаштириш режасини ишлаб чиқишни топширади. Агар мана шу 4 ой давомида режалар белгиланган тартибда бажарилмаса унга нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилади.

Англияда банкротлик таомиллари суд ва судсиз амалага оширилиши мумкин. Англияда банкротлик таомилларини қўллашдаги судсиз ҳаракатлар унинг ўзига хос кўринишини ифодалайди. Судсиз жараёнлар корхоналарнинг акциядорлари ўртасида ўтказиладиган муросаларга асосланади. Шунинг учун ҳам судсиз жараёнларда корхоналарни банкротликка чиқариш осон кечади. Мамлакат қонунчилигини буни асосини яратиб қўйган. Банкротлик аломатлари сезилган корхонларни соғломлаштириш тадбирлари кўпроқ акциядорларга боғлиқ бўлади. Англияда корхоналарни соғломлаштириш дастурлари ва тадбирлари учун “маъмурий бошқарув” қўлланилади. Маъмурий бошқарувчи акциядорлар йиғилишида тайинланади. Маъмурий бошқарувчини тайинлаш овоз бериш орқали амалга оширилади ва тавсия этилган маъмурий бошқарувчиларнинг

корхонани ликвидилигини ошириш ва ривожлантириш учун белгиланган лойихалари асосида танлаб олинади. Уларнинг харажатлари акциядорлар томонидан қопланади.

Англияда корхоналарни тугатиш жараёнлари “winding-up” Корхоналарни тугатиш тўғрисида қарор асосида амалга оширилади ва бу қарорда уларни молиявий соғломлаштириш масалалари ҳам ўрин олган. Шунинг билан бирга ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича “компания шерикларини тугатишни узайтиришдаги қўшимчалари тўғрисидаги” (Members’ Voluntary Liquidation) махсус қарорлари мавжуд. Унга кўра бир йил давомида корхонанинг тузилган соғломлаштириш дастурлари унинг шериклари билан муҳокама қилинади ва агар тақдим этилган лойихалар 75 % дан кўп овоз олса корхона фаолияти бир йил давомида соғломлаштирилади. Шунга кўра, Англияда ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнлари кўпроқ уларнинг шерикларига боғлиқ бўлиб қолади.

Недерландияда иқтисодий ночорлик ҳолатлари бўйича қонунчилик 1893 йилдан бошлаб амал қилади. Нидерландияда кўпроқ “мараторий” яъни тўлов муддатини ўзайтириш чоралари кенг қўлланилади. Мараторий сиёсати хўжалик судлари томонидан 3 ва 18 ойга кечиктиришга рухсат берилиши мумкин. Бу амалиёт корхоналарни бу даврдаги соғломлаштириш жараёнларини ҳам назарда тутди.


Россияда корхоналарни молиявий соғломлаштириш йўналишлари ва мамлакатда бизнес муҳитини яхшилаши бўйича кейинги йилларда “йўл харитаси” (дарожнқй карта) стратегиялари қўлланилмоқда. “Йўл харитаси” – бу маълум объектни, маҳсулот турини ёки саноат тармоқларини бозор “қасаллик”ларини тугатиш йўли ҳисобаланади.

Йўл харитаси саноат корхоналарининг “ўтмиши-ҳозирги фаолияти ва келажаги” бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган йўлини белгилаб уни амалга ошириш жараёнларини ифодалайди.

“Йўл харитаси” куйидаги кўринишларда иқодаланмоқда:

- Маҳсулотнинг йўл харитаси;
- Технологияларнинг йўл харитаси;
- Тармоқларнинг йўл харитаси;
- Кооперацияларнинг йўл харитаси;

Россияда маҳсулотга йўналтирилган йўл харитасининг ривожлантириш йўналишлари 3.2.1-расмда акс эттирилган.




9-расм. Маҳсулотга йўналтирилган йўл харитасининг кўриниши

Россияда маҳсулотга йўналтирилган “йўл харитаси” дастурлари энг аввало истеъмолчиларни ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда янги маҳсулотлари яратиш тизимини ўзида ифодалайди. Маҳсулотларнинг мавжуд бозор сегментларини янги маҳсулот турига нисбатан ўзгаришлари ва ассортимент стратегияларини асосли харитасини намоён этади. Шунингдек, маҳсулотга йўналтирилган йўл харитаси истеъмолчини ўз вақтида англаш, тадқиқ қилиш, янги бозорларни ривожлантириш каби йўналишлари дастурларда акс этади.

Технологик йўналтирилган йўл хариталар алоҳида дастгоҳлар ёки умумий тахнологик жанжирни инновацилар асосида шакллантириш жараёнларини бозор муҳитидан келиб чиқиб янгилаш чораларини кўриш

масалаларини белгилаб беради. Бу амалиёт Европада ҳам кўлланилган бўлиб асосий эътибор технологик платформаларни ривожлантиришни назарда тутган. Корхоналарнинг технологик йўл хариталари уларнинг мақсадли истеъмолчига аниқ йўналтириш шакллари ўз ичига олган.



10-расм. Технологик йўналтирилган “йўл харитаси”нинг кўрини

Хозирда, Россияда бир қатор саноат турмоқлари, жумладан оғир саноат, нефтни қайта ишлаш, энергетика, газ саноати, енгил саноат, машинасозлик, қишлоқ хўжали, транспорт, коммуникация ва бошқа соҳаларда 2050 йилгача бўлган муддатда “йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Россияда енгил саноатнинг 17 та тармоғида жами 14 минга яқин корхонлар фаолият юритмоқда ва уларда жами 500 мингдан ортиқ одам иш билан банд. Уларнинг 75 % тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари бўлса қолган 25 % тери-поябзал санотига тўғри келади. Енгил саноатни ривожлантириш бўйича 2008-2020 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”

лойихаси амалга оширилмоқда. “Йўл ҳаритаси” лойихаси доирасида енгил саноат тармоғини 3,1 мартага, экспортни 4 мартага ошириш кўзда тутилган.

3.3. Корхоналар товарлари рекламасини ва сотиш усулларини такомиллаштириш

Маҳсулотнинг юк сифатида ишлаб чиқариш жараёнидан истеъмолчига етиб келишигача-ташиш, сақлаш ва қўшимча (қадоқлаш, ўраш, тамғалаш каби) ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган жараён товар ҳаракати дейилади. Уни ташкил этишда фирманинг асосий мақсади, биринчидан, маҳсулотни тезда, яқин масофа орқали ва самарали усул билан ўз ҳаридорига етказиш; иккинчидан, товарнинг ҳаридори билан «учрашишига» энг қулай шароит яратишдан иборат бўлиши шарт. Товар ҳаракатини режалаштиришда, корхоналар танлаган товар сотиш услубларига асосланилади. Улар қуйидаги уч услубдан бири бўлиши мумкин:

- товар ишлаб чиқарувчи воситачиларсиз, тўғридан-тўғри ўзининг истеъмолчиси билан боғланиши;
- товарларни мустақил воситачи (фирма)лар орқали сотиш;
- таралаш усул, ишлаб чиқарувчи фирма ва воситачи савдо ташкилоти сармоялари қатнашиши орқали.

Товарларнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи томонидан сотилишининг яхши томонлари ва камчиликлари ҳам бор. Фирма ўз маҳсулоти савдосини тўла назорат қилади. Бундай усул билан оддий ассортиментли товарлардан кўмир, ўтин, нефть маҳсулотлари, тез бузулувчи нон, сут, гўшт ва ҳоказолар сотилиши афзалроқ ҳисобланади. **Қолган товарларнинг сотилишида мустақил воситачи — улгуржи ёки чакана савдо фирмаларининг қатнашиши жаҳон тажрибасида синалган самарали йўлдир.**

Товар ҳаракати қатнашувчилари қуйидаги вазифаларни бажаради: Ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш; ишлаб чиқаришга керакли хом-ашё ва материаллар тайёрлаш; маркетинг тадқиқотлари ўтказиш; товарлар истеъмолчилари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш; олди-сотди қилиш учун шартномалар тузиш жараёнини тайёрлаш; товарнинг истеъмолчига етиб боришини рағбатлантирувчи сиёсат юритиш; товар ассортиментини режалаштиришда қатнашиш ва ёрдамлашиш, товар ҳаракатини молиявий таъминлаш; сотилган товарларга қўшимча хизмат уюштириш; товарларни ташиш; товарларни омборларга жойлаш ва сақлаш, товарларни сортларга ажратиш, кичик ўрамаларга кадоқлаш, тамғалаш, ўз савдо битимини тузишга таваккал қилиш, сотилган товар баҳосини аниқлашда қатнашиш ва бошқалар. Ана шу кўп қиррали вазифаларни махсус савдо фирмаларининг бажариши, товар ҳаракатидаги сарф-ҳаражатларнинг анча юқори самара беришини таъминлайди. Воситачи ҳамкорларни танлаш ҳамма товар ишлаб чиқарувчилар учун муҳим давр ҳисобланади. Энг аввало, шунга аҳамият бериш керакки, танлаб олинаётган воситачи бир вақтнинг ўзида фирмангизнинг бозордаги рақобатчиси бўлмаслиги шарт. Умумий ҳолатда воситачи фирмалар ичидан сизнинг товарингизни сотиш бўйича махсуслашганини танлаш зарур. Яна воситачи фирманинг бозордаги обрў-эътибори-мавқеёига аҳамият берилади. Воситачи савдо фирмасининг молиявий аҳволи қандай ва қайси банк билан ишлайди? Унинг асосий белгиларидан — савдо шохобчаларининг моддий-техникаси, жойлашиши, сотувчи ходимларнинг малакаси ва бошқалар. Олдин синаш учун бирор йилга шартнома тузилади ва воситачи савдо фирмаси фаолияти ҳар томонлама ўрганилади. Товар ишлаб чиқарувчи фирма вакили, раҳбари-менежери воситачини шахсан ўрганади ва унинг шохобчаларига боради. Воситачилар иложи борича кўпроқ танланади ва уларни маркетинг — бозор дастурларига аҳамият берилади.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарининг бозор фаолиятини ривожлантириш уларнинг сотиш каналларини кўпайтириш ва улгуржи савдосини ташкил этиш механизмларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхона маркетинг фаолияти жараёнида сотиш муаммоси янги товарни яратиш босқичидаёқ ҳал қилинади. Шунинг учун, сотиш сиёсати сотиш фаолиятининг ташкилий шакллари ва услубларини танлашни кўзда тутди.

Сотиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва асослаш аниқ товар ва товарлар гуруҳига нисбатан қуйидаги масалаларни ҳал қилишни кўзда тутди:

- мақсадли бозор ёки унинг бўғинини танлаш;
- сотиш тизимини танлаш ва керакли молиявий ҳаражатларни белгилаш;
- сотиш канали ва услубларини танлаш;
- бозорга чиқиш тартибини танлаш;
- бозорга чиқиш вақтини танлаш;
- товар ҳаракати ва товарни истеъмолчига етказиб бериш ҳаражатларни белгилаш;
- сотишни рағбатлантириш шакллари ва услублари ва бунинг учун зарур ҳаражатларни белгилаш.

Сотиш тизимини танлаш ва керакли молиявий ҳаражатларни аниқлаш корхона таркибида ҳам ички ва ҳам ташқи бозорларда бевосита маҳсулотларни сотиш билан машғул бўлган бўлинмалар мавжуд бўлишини тақозо қилади.

Бизнинг фикримизча вилоятда енгил саноат маҳсулотларини сотиш тизими тўла шаклланган ва улар қуйидаги институтлардан иборат.

Сотиш стратегияси ўз ичига режалаштириш, қарорлар қабул қилиш ва якуний мақсадни амалга оширишга йўналтирилган ҳаракатлар билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олади.



1-расм. Наманган вилоятида енгил саноат маҳсулотларини сотиш йўналишлари¹

¹ Тадқиқотчи ишланмаси

Хозирги рақобат шароитида вилоятдаги енгил саноат корхоналари сотиш бозорлари тадқиқотлари ва мижозларни жалб этишдаги маркетинг воситаларидан кам фойдаланмоқда, аниқроғи хали уларда бундай жараёнларга эҳтиёж мавжуд эмас. Сабаби ип йигирувчи корхоналарнинг асосий маҳсулоти хом-ашё бўлганлиги сабабли унинг харидорлари аниқ. Бироқ тикувчилик ва трикотаж корхоналарида эса аллқачон нафақат ташқи бозорларга чиқиш балки ички бозорни маҳсулот сотишда ҳам жуда кучли ҳаракатлар мажмуаси зарирлигини бозор номоён этмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда корхоналарнинг бозор фаолиятига кўмаклашувчи махсус инфратузилмалар шаклланди ва уларнинг фаолияти ривожлантирилмоқда. Савдога кўмаклашувчи институтлар ички ва ташқи бозорларда маҳсулотларни улгуржи ва чакана сотиш йўналишларини аниқ белгилаш, янги бозорларни ўзлаштириш, чет элда савдо уйлари ташкил этиш, логистик хизмат кўрсатиш, шартномалар имзолаш, ички кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва электорон савдоларни ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларини ечишда корхоналарга кўмак бериб келмоқда.

Улгуржи савдо ташклотлари ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан маҳаллий ва хорижий бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг маркетингини олиб бориш учун кўпроқ кўникма ҳамда каттароқ айланма маблағга эгадир. Корхоналар эса, ўз ихтисослашуви таркибига кирмаган фаолият турлари бўйича ҳаражатларни қисқартириш ҳисобига маблағни тежайдилар. Буни биз “Нотўқимачи” ОАЖ мисолида тадқиқ қилдик. Шунингдек, улгуржи савдо корхоналари енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни айланиш тезлигини оширишга ҳамда уларни омборлардаги захираларини қисқартиришга ёрдам беради. Вилоятда экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига жуда катта имкониятлар мавжуд. Айниқса экспорт амалиётидаги солиқлар ва божхона тўловлари бўйича жуда кўплаб имкониятлар мавжуд.

Бироқ улгуржи савдо корхоналарида бундай имтиёзларнинг кўпи чекланган. Улгуржи савдо корхонларинга ҳам ишлаб чиқарувчи корхоналар каби тенг имкониятлар яратилса вилоятда енгил саноат товарлари экспортини янада ривожланиши учун яна бир имконият яратилади.

Вилоятда тикувчилик ва трикотаажга ихтисослашган корхоналар ўзларининг махсус чакана савдо шахобчаларини ташкл этиш мақсадга мувофиқ. Махсус чакана савдо шахобчалари орқали корхоналар тайёр кийим истеъмолчилари билан энг қулай усулларда алоқа қилиш имкониятини яратиб беради. Махсус чакана савдо шахобчаларида таклиф этилаётган товарларини бошқа товарларга нисбатан рақобатбардошлигини баҳолашда, товарларини рекламасини қилишда, турли акциялар ташкил этиш ва ассортимент сиёсатини ишлаб чиқишда асосий восита сифатида хизмат қилиши керак.

Вилоятда электрон савдонинг ривожланиши ҳам ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кўплаб корхоналар ўзларининг ВЕБ сайтларига эга ва унда маҳсулотлар намоишларини каталогларини жойлаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон ССПнинг вилоят бошқармаси томонидан вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларига нисбатан жаҳон бозоридаги эҳтиёжни қондириш ва экспортга йўналтиришга кўмаклашиш мақсадида бошқарманинг www.uzbusiness.org веб-сайтининг on-line ярмаркаси бўлими орқали маҳсулотларнинг кенг миқёсда реклама қилиш ва экспортга йўналтиришга эришилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун ахборот алмашиш борасида палата томонидан қуйидаги имкониятлар яратиб берилган:

- Call-center 150-60-06 ва ҳудудларда жойлашган 14 та ИНФОКИОСК орқали тадбиркорликка оид барча саволларга талбиркорлар бепул жавоблар олиши мумкин;

- ИНФОКИОСК орқали ўз маҳсулотларини ва хизматларини рекламаларини бепул жойлаштириши мумкин.

- Корхоналар ўз маҳсулотларини ва хизматларини Палатанинг www.chamber.uz (вилоят бошқармаси www.uzbusiness.org) веб-сайтида бепул жойлайтириши мумкин

- Палата томонидан UZSAT дастури яратилган бўлиб тадбиркорлик субъеклари орасида бепул тариқасида тарқатилмоқда. Унда тадбиркорларга банклар томонидан барча ажратилаётган кредитлар тўғрисида маълумотлар мунтазаам равишда янгиланиб борилмоқда.

Юқоридаги амалга оширилаётган амалий ишлар енгил саноат корхоналарининг маркетинг фаолиятларини янада ривожлантиришга асос бўлмоқда.

Бироқ, вилоятимизда интернет орқали маҳсулотлар савдосини амалга ошириш хали йўлга қўйилмаган. Корхоналаримиз фақатгина интернетдан маҳсулотларни рекламасини ташкил этиш ва ўзлари тўғрисида маълумотлар тарқатиш билангина шуғулланмоқда. Реклама агентликларига мурожатлар ҳам йўлга қўйилмаган. Шунга қўра вилоятда енгил ночор корхоналар фаолиятини соғломлаштириш тадбирлари ва дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг улугржи ва чакана савдосини ривожлантириш масалаларини алоҳида киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Корхоналарнинг маҳсулотлари истеъмолчилари ва хом-ашёлар етказувчилари билан кооперацион алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси фаолияти йўлга қўйилган. Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси 3 босқичда ташкил этилиб 2 босқичи ҳар йили ўтказиладиган вилоят саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасидир. Наманган вилоятида саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида иштирок этаётган корхоналарнинг маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилади ва каталдоглари нашр этилиб махсус

www.cooper.uz ВЕБ сайтига жойлаштирилиб бутун дунё бўйича эълон қилинади. Наманган вилоятида 700 дан ортиқ енгил саноат корхоналари фаолият юритиб улар томонидан 15 минга яқин маҳсулотлар ассортиментини ишлаб чиқарилмоқда ва ҳар йили янгиланиб бормоқда. Саноат ярмаркаси ва коопрецион биржасининг маҳсулотлар каталогларида вилоятда фаолият кўрсатаётган 20 га яқин енгил саноат корхоналарининг маҳсулотлари намуналари жойлаштирилган ҳолас. Фикримизча, енгил саноат маҳсулотлари чет эллик ҳамкорлар учун вилоятимизнинг ўзида доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма майдонларини ташкил этиш, интернет рекламасини ташкил этиб берувчи махсус фирмалар фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжудларини самарадорлигини янада ошириш чоралари кўриш мақсадга мувофиқ.

2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2022-сонли қарори билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки қошида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти йўлга қўйилганлиги ва унинг амалий фаолияти билан юқоридаги бобларимизда батафсил тавсифланган эди. Жамғарманинг асосий мақсади корхоналарни ташқи бозорлардаги маркетинг фаолиятини олиб бориш ва экспортини кўпайтириш. Бироқ, жамғарманинг вилоятдаги бўлимига 2013 йилда бирорта енгил саноат корхонаси мурожати кузатилган. Бу дегани енгил саноат корхоналари вилоятда яратилган бизнес имкониятлардан самарали фойдалана олмаётганликларини англатади.

Хулоса

Наманган вилоятида иқтисодий ночор корхоналарнинг бозор фаолиятлари маркетинг тадқиқотлари кўрсатишича, кейинги 2008-2012 йиллар давомида жами 264 та корхоналарда иқтисодий ночорлик аломатлари аниқланган бўлиб, улардан 237 таси соғломлаштириш дастурларига киритилиши натижасида ижобий кўрсаткичларга эришган. Уларнинг молиявий соғломлаштириш учун 116 млрд 560 минг сўм инвестициялар киритилиб, амалий ишлар натижасида 5770 та янги иш ўринлари яратилган, 337 млрд 862 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Маҳсулотларнинг 6946 минг АҚШ доллори миқдоридагиси экспорт қилинган.

Корхоналарнинг иқтисодий ночорликка тушиши сабабларини ўрганиш натижасида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар бозор фаолиятларини стратегик режалаштириш ва бизнес режаларини ишлаб чиқиш жараёнларида улар фаолиятига таъсир этувчи маркетинг муҳити омилларини етарли даражада таҳлил қилмаслиги, ички ва ташқи бозорлар ҳолати ўрганилмаганлиги, корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари тўла бозорга мослаштирилмаганлиги, маркетингнинг асосий стратегияларидан фойдаланиш, бозор конъюктураси ўзгаришларига мослаштириб бориш ҳисобга олинмаётганлиги ҳолатлари «Нотўқимачи» ОАЖ, «Мега текстил» МЧЖ ва собиқ «Хайн текс» КҚлари мисолида аниқланди. «Нотўқимачи» ОАЖнинг сотиш режасини бажарилмаслик ҳолатлари таҳлил қилинганда, маҳсулот захираларинининг йилдан-йилга ортиб бориши, сотиш ҳаражатларининг мақсадли йўналтирилмаганлиги, сотиш шартномаларини ўз вақтида бажармаганлиги сабабли молиявий аҳволи ёмонлашиб бозордаги рақабат шароитида ўз мавқеини йўқотиб бораётганлиги аниқланди.

2. Иқтисодий ночор корхоналарнинг маҳсулот ассортименти ва сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш жараёнида хом-ашёлар сифатининг пастлиги, технологияларни эскирганлиги ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ассортиментни кенгайтириш имкониятлари озлиги, корхоналар ўзининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланмаётгани ва технологияларини такомиллаштириш жараёни амалга оширилмаганлиги, ишчилар малакасининг етарли эмаслиги, шунингдек, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга аҳамият етарли эмаслиги аниқланди.

3. «Нотўқимачи» ОАЖ мисолида корхонанинг 2011-2013 йиллар давомидаги иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини маркетинг аудити ўтказилганда эса қуйидагилар аниқланди:

- корхонанинг тўловга қобилияти коэффицентининг 0,4 га пасайиши, захира ва ҳаражатларни ўз маблағлари билан қопланганлик коэффиценти 1 % га қисқарганлиги, сотишдан олинган ялпи фойдани маҳсулотга нисбатан олинганда кескин пастлаши;

- корхонанинг захира товарлари баҳосини суний ўсиши, бошқарув ҳаражатларининг кескин ортиши, инновациларга ва янги бозорларни ўзлаштиришга маблағларнинг умуман сарф этилмаётгани;

- маҳсулот сотиш рентабеллигини 2012-2013 йиллар давомида 15 %, айланма маблағлар рентабеллигини 0,4 %, ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги 1,16 % га, мол-мулк рентабеллиги 0,4 %га ва умумий рентабеллик 0,56 % га қисқарганлик ҳолатларини кузатилди.

Тадқиқотлар жараёнида олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда Наманган вилоятида фаолият юритаётган енгил санот корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларни банкротлик ҳолатларидан сақлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Президентимиз томонидан «Ишбилармонлик-муҳити»ни янада ривожлантириш буйича қабул қилган қарорларини амалиётда ижросини таъминлаш мақсадида барча корхоналарни Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасига аъзо бўлиши, улар томонидан курсатилаётган хизматлардан тула фойдаланиши, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳудудий бошқармасининг экспорт салоҳиятини ошириш дастурига киритиш ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки қошидаги кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятдан унумли фойдаланиш корхона бозор фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий омилidir.

2. Корхонада замонавий маркетинг хизматини йўлга қўйиш, малакали маркетингларни ишга жалб қилиш, малакасини ошириб бориш ва сотиш ҳаражатларини кўпайтириб бориш унинг бозордаги рақобат фаолиятини такомиллаштиришнинг ва кўзланган фойдага эришишнинг асосий гаровидир.

3. Саноат корхонасини бизнес режаси билан бир қаторда маркетинг дастурини, унда стратегик ва тактик режасини тузиб олиш лозим. Аввало мақсадли бозорни тўғри танлаш, корхона эгаллаши мумкин бўлган бозордаги сегментни танлаш ва уларни жалб қилиш йўллари ва стратегиясини аниқлаш, рақиблар фаолиятини ўрганиш, уларнинг жорий қилган стратегияларидан, бенчмаркинг сиёсати орқали фойдаланиш, рақобат муҳитини ўрганиш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, товар стратегиясини ддоимо диверсификация қилиб бориш, товар номенклатураси, фойдалилиги, дизайни, ўрамаси, баҳо ва нарх стратегиясини тўғри олиб бориш, товар ҳаракати, яъни логистикасини олдиндан аниқлаб олиш, маркетинг коммуникацияларидан, интернет, телевидение, радио, газета ва журналлардан фойдаланиш, товар рекламасини ва сотиш каналларини тўғри танлаш, маркетинг маданиятини

ошириш, харидорларга қўшимча хизматлар кўрсатиш орқали самарали фаолият олиб бориш ҳамда кўзланган мақсадга эришиш.

4. Мамлакатимизда 2014 йилдан халқаро тажрибадан фойдаланиб бизнес муҳитини шакллантириш ва баҳолашнинг янги тизими корхоналарнинг молиявий соғломлаштиришнинг янги йўналиши сифатида **“ЙЎЛ ҲАРИТАСИ”** лойихаси ишлаб чиқилмоқда ва бажарилмоқда. Тадқиқотларимиз жараёнида биз таҳлил қилган “Нотўқимачи” ОАЖнинг фаолиятини баҳолади ва “банкротлик” аломати борлиги ва соғломлаштириш тадбирларини амалга оширилиши лозимлиги асосланди. Шунга кўра, «Нотўқимачи» ОАЖнинг фаолиятини молиявий соғломлаштириш ва модернизациялаш бўйича “Йўл ҳаритаси” лойихасини ишлаб чиқилиб Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармасига таклиф киритилди. “Йўл ҳаритаси” лойихаси корхонанинг бозор фаолиятини маркетинг аудити натижаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланди (иловада). Йўл ҳаритаси лойихасида асосий эътибор корхона маҳсулотларини диверсификациялаш ва маҳсулот сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, халқаро сифатни бошқариш тизимига ўтиш, молиявий ҳолатини яхшилаш ва маҳсулот сотиш каналларини кенгайтиришга қаратилди.

5. Корхоналарнинг маркетинг фаолиятини асосий натижаси маҳсулотларни сотиш ҳажмини кенгайтириб бориш билан изохланади. Наманган вилоятида енгил саноат маҳсулотларини сотиш йўналишларини янада ривожлантириш бўйича улгуржи савдо корхоналари фаолиятини ривожлантириш ва корхоналар нафақат ички бозорларда балки ташқи бозорларда ҳам ўзининг чакана савдо шаҳобчаларини ташкил этиш масалалари муҳим эканлиги асосланди. Чунки ички бозорлардаги корхоналарнинг фирма дўконлари ва чет эллардаги савдо уйлари

корхоналар маҳсулотларини рақобатбардошлигини баҳолашда, товарлари рекламасни амалга оширишда ва ассортимент сиёсатини диверсификациялашда асосий восита вазифасини бажарди.

6. Корхоналарни маҳсулотларини сотиш ва рекламасини ташкил этишда сотишнинг замонавий усуллари қўллаш, интернет савдо ва интернет реклама хизматларини ташкил этиш ҳам муҳим тадбирлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар.

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик” тўғрисидаги қонунин (янги тахрир) 1998 йил 28 август (ўзгартириш ва қўшимчалар билан),
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 1999 йил 14 апрель,
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни. 2001 йил 29 август
5. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат” тўғрисидаги қонуни. 2012 йил
6. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунни

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони 1999 йил 23 июль, ПФ-2342-сон
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги фармони. 1996 йил 11 декабрь, ПФ-1658-сон
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси тўғриси”даги фармони. 2003 йил 31 январь, ПФ-3204-сон
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида” фармони, 2005 йил 2 май, ПҚ-66-сон
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон
12. Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. 2005 йил 30 апрель, ПФ-3602-сон
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2010 йил 6 апрель, ПҚ-1317-сон
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармойиши. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон

15. Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2010 йил 2 март, ПҚ-1293-сон
16. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. 2012 йил 13 ноябрь, ПФ-4483-сон
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. 2004 йил 18 февраль, 77-сон
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2004 йил 23 март, 138-сон
19. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида, 2010 йил 2 июнь
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2012 йил 30 декабрь
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида” 07.06.2005 й. пф-3617-сон фармони
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2022-сонли қарори. 2013 йил 8 август.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. 2012 йил 20 апрел.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4053-сонли фармони. 2008 йил 18 ноябр
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 4010-сонли Фармойиши. 2008 йил 19 ноябр.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

26. И.А.Каримов. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» маърузаси. Манба: <http://uza.uz/oz/politics/30441/>

27. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2005 й, 29 январ, 20 сон.
28. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январ.
29. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устивор мақсадимиздир. -Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг ва қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январ.
30. Ўзбекистон Конституцияси-биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фаровонлик жамият барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. - Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилишнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабр.
31. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. Республика Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://uza.uz/uz/politics/29870/>
32. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Республика Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://uza.uz/uz/politics/24599/>
33. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999й. 12-бет
34. И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислох этишдир. Т.; Ўзбекистон, 2005,76 б.
35. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. www.gov.uz

36. Каримов И. А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, Ўзбекистон, 2007, 28-бет

IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

37. Ўзбек тилининг изохли луғати.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 663-664-б.
38. А.В.Вахобов, А.Т.Иброхимов. Молиявий ва бошқарув таҳлили. “Шарқ”,Т:, 2005 йил
39. А.Солиев. МАРКЕТИНГ. “Арт-флекс” Т:, 2008 йил 208-б
40. Багудина Е.Г. Экономический словарь. Проспект, 2004. С-624
41. Суёнов Д.Х.Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография.-Т.:Академия, 2007.-320-б
42. Телюкина М. Соотношение понятий “несостоятельности” и “банкротства” // Юрист, 1997, № 12. С. 24.
43. Банкротство: проблемы, нормативные акты, методические материалы и комментарии, разбор практики, ответы на вопросы. Сборник нормативных актов. с.183.
44. Жилинский С. Э. Правовая основа предпринимательской деятельности (предпринимательское право). Курс лекций. – М., Норма-Инфра, 1998 г. с. 591
45. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: 2009, бет
46. Ё.Абдуллаев. Статистика Назарияси. Дарслик. “Ўқитувчи”, Т:, 2002 йил.
47. Э.Х.Махсудов. Корхона иқтисодиёти. “Адабиёт жамғармаси”. Т:, 2004 йил.
48. Файнeshмидт Е.А. Зарубежная практика антикризисного управлeния. Учебное пособие. Масквa 2012 г.

V. Илмий журналлардаги мақолалар

49. Умаров Р. Барқарор бизнес-муҳитни таъминловчи иқтисодий тизим. Иқтисодиёт ва таълим. 2012 йил 4-сон,7-б. А
50. Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: Муаммолар ва уларни ҳал қилиш. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 й.
51. У.В. Ғафуров. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда имтиёзлардан самарали фойдаланишнинг назарий масалалари. *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 8, ноябрь-декабрь, 2013 йил*

52. Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru/n/2005/10/c/6>.
53. А.Н. Фазылова, Р.Б. Хасанова. Диагностика вероятности банкротства предприятий в условиях модернизации экономики. *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил*
54. Отчет экспертов Промежуточный доклад. Дорожная карта сотрудничества России и ЕС в сфере энергетики до 2050 г. июль 2011.

VI. Интернет сайтлари

1. www.gov.uz—O'zbekiston Respublikasi Davlat hokimiyati portali
2. www.press-service.uz—O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Matbuot xizmatirasmii
3. www.mfer.uz-
O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiya va savdo Vazirligining rasmiy sayti
4. www.UzA.Uz—O'zbekiston milliy axborot agentligi rasmiy sayti
5. www.review.uz —“Ekonomicheskoe obozrenie” jurnalining rasmiy sayti
6. www.cer.uz — Iqtisodiy tadqiqotlar Markazining rasmiy sayti
7. www.uzreport.com — biznes axborotlari portali
8. www.eurasianews.com — EvroOsiyo tadqiqotlar arkazining rasmiy sayti
9. www.vip.lenta.ru — Internet nashriyoti
10. www.InternetNews.com— yangiliklar serveri
11. www.api.uz- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
12. www.lex.uz -Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
13. www.bdm.uz — бизнес эксперт журналининг расмий сайти
14. www.iqtisodiyot.uz - *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали*
15. www.cooper.uz — Ўзбекистон Республикаси саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасининг расмий сайти
16. www.chamber.uz — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг расмий сайти.
17. www.uzbusiness.org — электрон ярмарка.

Ўзбекистон республикасида ночор корхоналарни соғломлаштиришни ҳуқуқий асосларини яратилиши жараёни.

Ўзбекистон Республикаси Қонунларлари	Президент қарорлари ва фармонлари	Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	банк тизими ҳужжатлари	бошқалар
1. “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни. 1994 йил 5 май 2. “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни (янги тахрир) 1998 йил 28 август, 3. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 1999 йил 14 апрель, 4. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни. 2001 йил 29 август 5. “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни (янги тахрир) 2003 йил 24 апрель	1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида 1999 йил 23 июль, ПФ-2342-сон 2. Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. 1996 йил 11 декабрь, ПФ-1658-сон 3. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси тўғрисида. 2003 йил 31 январь, ПФ-3204- сон 4. Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида 2005 йил 2 май, ПҚ-66-сон 5. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053- сон 6. Ўзбекистон Республикаси	1. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида. 1996 йил 2. “Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора- тадбирлар ҳақида”ги 26 июлдаги 362-сон қарорига “Судга санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом 3. Устав фондларида давлат мулки улуши бўлган банкрот корхоналарни тугатиш бўйича тугатиш комиссиялари тўғрисида НИЗОМ. 1999 йил 31 декабрь, 548-сон 4. Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларнинг таркибини ўзгартиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида. 2002 йил 8 октябрь, 347-сон 5. Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2003 йил 18 апрель,	2. Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ 2010 йил 31 май, 20/1-сон 3. Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида 2010 йил 31	1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2. қарори 3. Ўзбекистон республикаси давлат мулки қўмитаси, давлат статистика қўмитаси, молия вазирлиги ва иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ўртасида давлат унитар корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари, давлат улуши бўйича давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланиши ва тушиши ҳақида маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 4. «Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш тартиби» (1999 йил 9 октябрь, рўйхат рақами 829 5. Ким ошди савдосида тугатилаётган ва санация қилинаётган корхоналарнинг мулкни сотишни ташкил этиш 6. тартиби 1999 йил 9 августда 768-сон 7. «Банкрот корхонани тугатишга доир иш юритишни олиб бориш тўғрисидаги низом» № 993, 2000 йил 22 декабрь

6. “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуни 2003 йил 11 декабрь, 7. «Банкротлик тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунининг 110, 111, 133 ва 135-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни 8. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни. 2011 йил 3 октябрь	монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. 2005 йил 30 апрель, ПФ-3602-сон 7. «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2010 йил 6 апрель, ПҚ-1317-сон 8. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги фармойиши. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон 9. Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2010 йил 2 март, ПҚ-1293-сон 10. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. 2012 йил 13 ноябрь, ПФ-4483-сон	188-сон қарор билан “Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкани баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида”ги низом 6. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида НИЗОМ. 2003 йил 30 июнь, 294-сон 7. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга бепул бериш тўғрисида НИЗОМ 2003 йил 26 август, 368-сон 8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида. 2004 йил 18 февраль, 77-сон 9. Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2004 йил 23 март, 138-сон 10. Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-	декабрь, 6-сон	8. КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ тартиби 20.03.1998 г
--	--	--	-----------------------	---

		тадбирлари тўғрисида. 2004 йил 5 май, 209-сон 11. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида, 2010 йил 2 июнь 12. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида, 2012 йил 30 декабрь,		
--	--	---	--	--

Нотўқимачининг бизнес режасидаги кучли ва кучсиз томонлари таҳлили
3 йиллиги.

Сильные и слабые стороны предприятия на 2013 год.

x - x текущие положение
o - o планируем. Положение

Конкуренция	слабая	средняя	сильная
	сторона		
2	3	4	5
Производства			
Возраст фабрики			
производства № 1	x - x		
производства № 2		x - x	
Возраст и состояние оборудование	x - x		
Производительность		x - x	
Качество и предложение рабочей силы		x - x	
Качество		x - x	
Снабжение местными материалами		x - x	
Снабжение импортными материалами	x - x		
Загрузка производственных мощностей			x - x
Охват рабочих профсоюзами		x - x	
Взаимоотношения рабочих с руководством		x - x	
Маркетинг			
Каналы распределения		x - x	
Качество организации		x - x	
Исследования рынка		x - x	
Разнообразие продукции	x - x		
Конкурентоспособность цены	x - x		
Репутация бизнеса		x - x	
Н. И. О. К. Р.			
Технические возможности организации		x - x	
Инновационность новой продукции	x - x		
Управление			
Компетентность руководства в целом		x - x	
Взаимоотношение с государственными структурами		x - x	
Финансовые ресурсы		x - x	

Сильные и слабые стороны предприятия на 2012 год.

х - х текущие положение
о - о планируем. Положение

№	Конкуренция	слабая	средняя	сильная
		сторона		
1	2	3	4	5
I	Производства			
1	Возраст фабрики			
	производства № 1	х - х		
	производства № 2		х - х	
2	Возраст и состояние оборудование	х - х		
3	Производительность		х - х	
4	Качество и предложение рабочей силы		х - х	
5	Качество		х - х	
6	Снабжение местными материалами		х - х	
7	Снабжение импортными материалами	х - х		
8	Загрузка производственных мощностей			х - х
9	Охват рабочих профсоюзами		х - х	
10	Взаимоотношения рабочих с руководством		х - х	
II	Маркетинг			
1	Каналы распределения		х - х	
2	Качество организации		х - х	
3	Исследования рынка		х - х	
4	Разнообразие продукции	х - х		
5	Конкурентоспособность цены	х - х		
6	Репутация бизнеса		х - х	
III	Н. И. О. К. Р.			
1	Технические возможности организации		х - х	
2	Инновационность новой продукции	х - х		
VI	Управление			
1	Компетентность руководства в целом		х - х	
2	Взаимоотношение с государственными структурами		х - х	
3	Финансовые ресурсы		х - х	

**Наманган вилоятидаги иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий инқироздан ва банкротликдан чиқариш
дастури – “йўл хариталари” лойиҳасига киритилган корхоналар тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

№	Корхоналар номи	Шу жумладан 01.03.2014 йил ҳолатига эришилган натижа	2014 йил 1-ярим йилликда кутилаётган натижа	2014 йил якуни бўйича кутилаётган натижа	Мавжуд муаммо	Муаммо ечими бўйича таклиф ва масъул вазирлик, идоралар
1	2	3	4	5	6	7
1	“Нам текс” МЧЖ* (2,3 млрд.сўм зарар)	10,0 млн.сўм зарар (Зарар миқдорини камайтиришга эришилди.)	Зарар миқдорини 2 баробарга камайтиришга эришилади	Йил якунида 375,0 млн.сўм фойда кутилади	1. Хом-ашё етишмаслиги; 2. Бюджетдан бўлган 300,0 млн.сўм қарздорлик мавжуд; 3. Айланма маблағларни етишмаслиги; 4. Омборда 463,5 млн.сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғи мавжуд; 5. Электр энергиясидаги узилишлар.	1. Пахта толасини квота асосида 1400 тоннага етказиш; 2. Бюджетдан бўлган 300,0 млн.сўм қарзларни музлатиш 3. Айланма маблағларни 480,0 млн.сўм билан тўлдириш 4. Тайёр маҳсулот қолдиғини сотиш орқали айланма маблағларни тўлдириш 5. Янги электр тармоғини тортиб келиш учун 750,0 млн.сўм маблағ ажратиш Электр таъминотини узлуксиз етказиб бериш
2	“MRT TEXTILE” МЧЖ шаклидаги ҚК (1,44 млрд.сўм зарар)	70,0 млн.сўм зарар (Зарар миқдорини камайтиришга эришилди.)	Зарар миқдорини 1,5 баробарга камайтиришга эришилади	Йил якунида 2,0 млрд.сўм фойда кутилади	1. Хом-ашё етишмаслиги; 2. Пахта толасини олиш учун банк кафолати кечикмокда; 3. Мавжуд 1,3 млрд.сўм дебитор қарздорликлар мавжуд; 4. Электр энергиясидаги узилишлар.	1. Пахта толасини квота асосида 5738 тоннага етказиш; 2. Пахта толасини сотиб олиш учун банк кафолатини олиш 3. Дебитор қарзларни ундириш ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш 4. Электр таъминотини узлуксиз етказиб бериш
1	2	3	4	5	6	7
3	Наманган	42,0 млн.сўм	67,0 млн.сўм	1,5 млрд.сўм	1. Хом-ашё етишмаслиги;	1. Пахта толасини квота асосида 2400

	“Нотўқимачи” ОАЖ** (Паст рентабеллик)	фойда	фойда олишга эришилади	фойда олинади	2. “Узпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги мавжуд 3,0 млрд.сўм дебитор қарздорликлар мавжудлиги; 3. Омборда 2,1 млн.сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғи мавжуд; 4. Жамиятнинг солиқдан 4,1 млрд.сўм қарздорлиги ва 405,0 млн.сўм пеня мавжудлиги 5. Маънан эскирган технологияларни мавжудлиги	тоннага етказиш ва “Узпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги мавжуд 3,0 млрд.сўм дебитор қарздорликларни ундириш; 2. Тайёр маҳсулот қолдиғини сотиш орқали айланма маблағларни тўлдириш 3. Солиқдан бўлган 4,1 млрд.сўмни музлатиш, 405,0 млн.сўм пеняни кечиш 4. Маънан эскирган технологияларни сотиш
4	“КАР-ТЕКС” МЧЖ (769,1 млн.сўм зарар)	12,0 млн.сўм фойда (Хозирда корхона томонидан янги электр линияси тортиб келинмоқда)	31,0 млн.сўм фойда олишга эришилади	820,3 млн.сўм фойда олиниб, зарар тўлиқ қопланади	1. Капитал банкнинг 4,5 млрд.сўмлик заёмларини жалб қилиш кечикмоқда 2. Электр энергиясидаги узилишлар.	1. Капитал банкнинг 4,5 млрд.сўмлик заёмларини қисқа муддатларда жалб этиш 2. Электр таъминотини узлуксиз етказиб бериш

**«Нотўқимачи» АЖни банкротлик ва иқтисодий ночорлик ҳолатидан олиб чиқиш бўйича
«ЙЎЛ ҲАРИТАСИ» ДАСТУРИ ЛОЙИХАСИ**

№ № п\п	Амалга ошириладиган ишлар	Муддати	Амалга ошириладиган ишлардан кутилган натижа	Бажаришга маъсуллари
<u>1</u>	<u>2</u>	<u>3</u>	<u>4</u>	<u>5</u>
1. Асосий фаолиятга йўналтирилган				
1.	Реструктуризация стратегиясини танлаш: - Ишлаб чиқаришни фаолиятини истиқболли ва истиқболсиз йўналишларини аниқлаш; - определение основных задач, которые должны быть решены для развития перспективных и прекращения бесперспективного производства.	Апрель 2014 йил	Утверждение стратегии развития предприятия предусматривающее: увеличение производственной мощности цеха нетканого полотна не менее 30 тыс. п.м. в день; выделение квот для закупа основного сырья (хлопкового волокна) не менее 2400 тн. в год для осуществления рентабельной производственной деятельности; расширение производства за счет внедрения мощности по пневмомеханическому прядению мощностью не менее 4,0 тыс. тн. в год; погашение дебиторской задолженности территориальными акционерными объединениями «Узпахтасаноат» в размере 3,0 млрд. сум.	ОАО Наманган «Нотуқимачи» (Ташмирзаев) Госкомконкуренции (Турдиев) Ассоциация «Узпахтасаноат» (Бобожонов) ГАК «Узбекенгилсаноат» (Мансуров)
2. Совершенствование менеджмента предприятия				
2.1.	Корхонанинг бошқарув структураси ва унинг	Февраль 2014 йил	Сокращение управленческих затрат, определение перспективных направлений,	ОАО Наманган

№ № п\п	Амалга ошириладиган ишлар	Муддати	Амалга ошириладиган ишлардан кутилган натижа	Бажаришга маъсуллари
<u>1</u>	<u>2</u>	<u>3</u>	<u>4</u>	<u>5</u>
	вазифаларини соддалаштириш: - самарали бошқарув тузилмасини жорий қилиш; - ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат ресурсларини самарадорлигини ошриш ва қайта тайёрлаш; - бошқарув харажатларини қисқартириш.	2014 йил давомида	обеспечение бесперебойной деятельности производства; Оптимизация эксплуатационных расходов и расходов на содержание аппарата управления (командировочные, телефонные, канцелярские и прочие расходы);	«Нотукимачи» (Ташмирзаев) Госкомконкуренции (Турдиев) ГАК «Узбекенгилсаноат» (Мансуров)
2.2.	маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтириш (работ, услуг)	2014 йилгача	Проработка вопроса экспорта производимой продукции в зарубежные страны, в том числе в Россию и Казахстан. Увеличение объемов реализации готовой продукции и сокращение остатков.	ОАО Наманган «Нотукимачи» (Ташмирзаев) МВЭСИТ (Камалов)
2.3.	Молиявий ва маъмурий бошқарувни такомиллаштириш	Март 2014 йил 2014 йил давомида	Разработка бизнес плана предприятия, предусматривающего в 2014 году: обеспечение увеличения темпов роста производства на 160% с доведением до 15,0 млрд.сум ; осуществление платежей в бюджет в сумме 900 млн.сум.	ОАО Наманган «Нотукимачи» (Ташмирзаев)
2.4.	тайёр маҳсулотни ва уни ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида халқаро сифат менежментини жорий қилиш	Ноябрь 2014 йил	Разработка мероприятий международных стандартов качества. Получение сертификата качества (ISO 9001)	Агентство «Узстандарт» (Мирсаидов) ОАО Наманган

№ № п\п	Амалга ошириладиган ишлар	Муддати	Амалга ошириладиган ишлардан кутилган натижа	Бажаришга маъсуллари
<u>1</u>	<u>2</u>	<u>3</u>	<u>4</u>	<u>5</u>
			для пневмомеханического прядения. Повышение качества и конкурентоспособности выпускаемой продукции, расширение возможностей выхода на внешние рынки.	«Нотукимачи» (Ташмирзаев)
3. Молиявий реструктуризация				
3.1.	Реструктуризация обязательств, предприятия: бюджет ва идтимоий фондлардан бўлган 4,1 млрд сўмлик қарздорликни тўлаш муддатларини 12 ойдан кечиктирмаслик; 405 млн сўмлик бюджет ва ижтимоий тўловларни тўлашни кечиктиришдаги пеняларни кечиктирмасдан тўлашлик.	Март, 2014 йил	Внесение на рассмотрение Республиканской комиссии, с необходимыми расчетами предложения об отсрочки задолженности предприятия перед бюджетом и внебюджетными фондами в размере 4,1 млрд.сум сроком на 12 месяцев и списании пени по просроченным платежам в размере 405,0 млн. сум.	ОАО Наманган «Нотукимачи» (Ташмирзаев) Госналоговый комитет (Юлдашев) Республиканская комиссия по сокращению просроченной дебиторской и кредиторской задолженности и укреплению дисциплины платежей в бюджет
3.3.	Айланма маблағларни ички захира фондлар ҳисобига тўлдириш орқали мобилизациялаш.	2014 апрел апрель	Разработка мероприятий по пополнению оборотных средств на 5,1 млрд. сум , путем: реализации остатков готовой продукции на сумму 2,1 млрд.сум ;	ОАО Наманган «Нотукимачи» (Ташмирзаев)

№ № п\п	Амалга ошириладиган ишлар	Муддати	Амалга ошириладиган ишлардан кутилган натижа	Бажаришга маъсуллари
<u>1</u>	<u>2</u>	<u>3</u>	<u>4</u>	<u>5</u>
			взысканию дебиторской задолженности в размере 3,0 млрд.сум.	Ассоциация «Узпахтасаноат» (Бобожонов)
3.4.	ишлаб чиқариш кувватларини реструктуризациялаш.	2014 апрел апрель 2014 йил давомида	Реализация неиспользуемого технологического оборудования цеха по производству искусственного меха; Сдача в аренду и последующая реализация неиспользуемых площадей; Привлечение потенциальных инвесторов для реализации гос.доли в уставном фонде ОАО Наманган «Нотукимачи» или передача в доверительное управление ассоциации «Узпахтасаноат».	ОАО Наманган «Нотукимачи» (Ташмирзаев) Госкомконкуренции (Турдиев) ГАК «Узбекенгилсаноат» (Мансуров) Ассоциация «Узпахтасаноат» (Бобожонов)
3.5.	Тайёр маҳсулот таннархини пасайтириш чора тадбирларини амалга оширмоқ.	2014 йил давомида	Снижение прямых затрат за счет нормирования и сокращения затрат на сырье и материалы, амортизационных отчислений и других затрат в соответствии с постановлением Кабинета Министров от 8.01.2014 г. №5 не менее чем на 8%.	ОАО Наманган «Нотукимачи» (Ташмирзаев)

2011-2013 йилларда Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ва ишбилармонлик муҳитини ҳар чораклик баҳолаш индикаторларини тизимини натижалари бўйича рейтинг

	Худудлар	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		Балл	Ўрин	Балл	Ўрин	Балл	Ўрин
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3,06	4	2,77	9	2,78	11
2	Андижон вилояти	2,91	8	2,96	3	3,02	2
3	Бухоро вилояти	2,95	6	2,74	11	2,98	5
4	Жиззах вилояти	3,02	5	2,85	7	2,96	6
5	Қашқадарё вилояти	2,93	7	2,90	5	2,90	10
6	Навоий вилояти	2,53	14	2,62	13	2,44	14
7	Наманган вилояти	2,86	10	2,90	6	2,99	4
8	Самарқанд вилояти	3,08	3	3,09	1	3,04	1
9	Сурхондарё вилояти	2,91	9	2,73	12	2,90	8
10	Сирдарё вилояти	2,78	12	2,94	4	2,76	12
11	Тошкент вилояти	3,13	2	2,82	8	3,00	3
12	Фарғона вилояти	2,69	13	2,62	14	2,90	9
13	Хоразм вилояти	2,85	11	2,76	10	2,70	13
14	Тошкент шаҳри	3,20	1	3,01	2	2,91	7

**2013 йил якуни бўйича Наманган шаҳар ва туманларни ишбилармонлик муҳити ҳолати
индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизими натижалари**

№	Индикатор (кўрсаткич)нинг номи	Бирлик	Наманга н шаҳри	Мингбул ок тумани	Косонсой тумани	Наманга н тумани	Норин тумани	Поп тумани	Тўрақўрғ он тумани	Уйчи тумани	Учқўрго н тумани	Чортоқ тумани	Чўст тумани	Янгиқўр ғон тумани	
РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ			Ўрни	6	12	5	4	1	9	10	8	11	3	7	2
			Балл	7,53	6,53	7,73	7,87	8,47	7,20	6,80	7,33	6,60	7,93	7,47	8,13
шундан:															
1.	Иқтисодий фаоллик индикаторлари	2,60	2,00	3,60	3,00	3,00	2,40	2,80	2,80	2,40	2,80	3,60	3,00		
1.1.	Инвестиция фаоллиги	Балл	2	4	4	4	4	4	4	4	4	3	4	4	
		Кўрсаткич, %	1,6	15,4	49,7	15,1	74,4	47,4	63,6	39,3	19,3	12,7	18,8	31,9	
1.2.	Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотининг ўсиши	Балл	3	2	4	4	4	3	3	4	2	4	4	4	
		Кўрсаткич, %	6,1	4,7	13,0	23,4	35,8	6,2	5,2	31,0	4,0	22,0	11,6	18,9	
1.3.	Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажмининг ўсиши	Балл	3	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	
		Кўрсаткич, %	14,0	7,4	7,0	7,0	7,6	7,3	7,1	7,1	7,6	7,5	7,5	7,4	
1.4.	Аҳоли жон бошига истеъмол товарларининг ўсиши	Балл	3	1	4	4	4	2	4	3	2	4	4	4	
		Кўрсаткич, %	8,3	3,4	26,4	15,4	21,2	8,0	16,0	9,7	7,5	28,6	36,7	18,3	
1.5.	Корхоналарни модернизациялашга, техникавий ва технологик қайта жиҳозлашга инвестициялар	Балл	2	1	4	1	1	1	1	1	2	1	4	1	
		Кўрсаткич, %	6,1	0,0	22,7	4,0	0,0	0,4	1,8	1,5	4,9	0,5	14,5	0,0	

2.	Рақобат муҳитини ривожлантириш индекси		2,33	2,33	1,33	2,67	2,67	2,00	2,00	2,33	2,00	2,33	1,67	2,33
2.1.	Тадбиркорликнинг янги субъектларини ташкил этиш	Балл	3	2	2	3	3	2	3	3	2	3	3	2
		Кўрсаткич, %	13,0	10,0	9,3	12,0	13,2	8,8	10,7	13,5	8,2	13,5	11,9	9,6
2.2.	Тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги	Балл	2	4	1	4	4	3	2	3	3	3	1	4
		Кўрсаткич, %	17,7	7,5	21,0	8,6	3,6	11,1	15,1	13,6	11,2	11,3	22,2	3,9
2.3.	1000 киши ҳисобига кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони	Балл	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
		Кўрсаткич, та	13	4	5	5	3	5	4	3	5	3	5	3
3.	Иқтисодийнинг хусусий секторини ривожлантириш индикаторлари		2,60	2,20	2,80	2,20	2,80	2,80	2,00	2,20	2,20	2,80	2,20	2,80
3.1.	Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг аҳоли бандлигидаги улуши	Балл	3	4	4	4	4	4	3	4	4	4	4	4
		Кўрсаткич, %	77,2	83,3	84,0	83,3	84,2	82,0	79,7	81,7	82,8	81,3	83,2	83,5
3.2.	Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг экспорти ҳажмларининг ўсиш суръати	Балл	4	1	4	1	4	4	1	4	1	4	1	4
		Кўрсаткич, %	75,5	-	2,3 м	-55,1	78,4	240,0 м	-59,4	2,4 м	-	17,1	-36,6	97,0
3.3.	Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг микроолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжининг кондирлиши	Балл	4	4	4	4	4	4	4	1	4	4	4	4
		Кўрсаткич, %	35,7	30,3	23,2	30,7	30,4	30,0	18,7	-4,7	25,1	25,2	24,6	49,2
3.4.	Кичик тадбиркорлик (бизнес)да ташкил этилган иш ўринлари улуши	Балл	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
		Кўрсаткич, %	44,5	46,9	41,6	40,7	43,0	46,1	38,8	44,4	44,8	45,2	41,2	42,6

